

ТУРСУНБОЙ АДАШБОВ



Тошкент.  
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети.  
„Еш гвардия“ нашриёти  
1988



Турсунбой Адашбоев — болаларнинг сеvimли шоири. Унинг ҳар бир шеърий китобини ўқувчилар катта қизиқиш билан кутиб оладилар. Мазкур китобга шоирнинг турли йилларда ёзган сара шеърлари ва дostonлари жамланган. Бу — муаллифнинг ўз мухлисларига қилган ўзига хос туҳфасидир.

А  $\frac{4909010000-104}{356 (04)-88}$  106-88 ISBN4-633-00106-0

© Издательство „Ёш гвардия“ 1988 г.

Ушбу китобни қирғиз  
элининг ардоқли шоири,  
дўстим Мамит ўғли Жў-  
ланнинг ёрқин хотира-  
сига бағишлайман.

Автор

## ТОЗА НИЯТ

Турсунбой Адашбоевнинг бир қатор асарлари билан танишар эканман, беихтиёр хаёлимдан Чингиз Айтматовнинг болалар адабиёти ҳақида жон куйдириб айтган сўзлари ўтди.

«Келажак авлод учун асар ёзиш ўта қийин бир машғулот. Бу ҳилдаги асарнинг турган-битгани ҳақиқат гоёсидан иборат бўлиши лозим. Ҳақиқатни ёзиш эса ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг учун тоза ният, шижоат, фидоний қалб талаб қилинади».

Болалар шоирининг дили тоза, туйғулари бой, нияти холис бўлиши керак. Турсунбой Адашбоев худди шундай, болаларни севган, улар учун керак бўлса жони-жаҳонини ҳам беришга тайёр турган шоирларимиздан бири.

Мен Турсунбой Адашбоевнинг ижоди хусусида сўз юритар эканман, иккита муҳим нуқтани тилга олиб ўтишни истар эдим. Биринчиси, шоир шеърлари ва дostonлари қат-қатига сингиб кетган фидойилик туйғуси. Албатта, фидойилик тушунчаси кенг маънога эга. Биз бу ерда шоирнинг ижодкор — гражданин сифатида тутган ижтимоий ўрни ва теварак-атрофида рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларга муносабатини кўзда тутаётирмиз. Иккинчиси, шоир туйғуларининг самимийлиги ҳақида.

Самимий туйғулар, самимий муносабатлар... Ижодда самимий бўлиш, самимий ниятларни куйлаш осон эмас.


Турсунбой Адашбоев ҳатто ҳажвий-юмористик шеърларида ҳам самимий бўла олади. Бу жуда камдан-кам шоирларга насиб қиладиган ноёб фазилатдир. Албатта, самимийлик кескин ҳаётий муаммолар ташқарисида яшай олмайди. Самимийлик, гапининг рости ўткир ижтимоий муаммолар билан тирик.

Шоирнинг ижодига хос бўлган фазилатлар биз юқорида тилга олган нуқталар билангина чекланмайди, албатта.

Мана сизнинг ва бизнинг қўлимизда шоирнинг маълум бир ижодий фаолияти давомида яратилган шеърлари, дostonлари... Бу шеърлар, дostonларда шоирнинг ўз инсоний олами, туйғулари, қарашлари акс этган. Албатта, ижодда суяги қотган муаллифга жуда кўп эзгу тилакларни билдириш мумкин. Лекин мен шу ўринда кўпдан бери дилимга тугиб юрган бир ниятимни тилга олиб ўтмоқчиман: Шоир учун энг катта мукофот — ёш авлоднинг ижодкорга бўлган меҳр-муҳаббати. Ана шу меҳр-муҳаббат ҳеч қачон Турсунбой Адашбоевни тарк этмасин.

Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ

মেওপাও



## ДЎСТЛИК

Қоратоғни кесиб ўтар,  
Кумуш камар Осонсой.  
Ундан яшнар боғи-роғли,  
Чуст, Наманган, Косонсой.  
Ўртатўқай сув омбори  
Қурилмаган жўрттага.  
Ўзбек-қирғиз дўстлигининг  
Рамзи эрур ўртада.  
Қардошликка кафолат,  
Икки эл тенг курашган.  
Шунинг учун сўнгсиз дашт,  
«Оқ олтин»дан нурафшон.  
Биродарлик қарор топса  
Қиш тушгуси қаҳридан.  
Ҳар икки эл баҳраманд  
Ўртатўқай наҳридан.  
Ўзбекнинг тўй-томошаси  
Қирғиз билан ўтади.  
Жаннатмакон яйловлари  
Чотқолгача етади.  
Қирғиз меҳмон чорласа гар,  
Ўзбек унинг қошида.  
Сават тўла узум, анор,  
Кириб келар бошида.  
Бешбармоқни тўғраш учун  
Киришаркан бу чоғи,  
Тоғам этик қўнжидан  
Олар Чустнинг пичогин.  
Бир илтимос, дўстларимнинг  
Мендай кўнгли қолмасин.  
Наманганга файз киритган,  
Каравоннинг олмаси.  
Қон-қардошлик саҳовати,  
Бамисоли бол, қимиз.

Ҳар соҳада тенгсиз ривож,  
Тўкинчилик, мол семиз.  
Топилмагай бу дўстликнинг  
На ўхшаши, қиёси.  
Унга қувват, куч бергуси  
Буюк Ленин зиёси.

1977



## ОНАЖОНИМ

Қирқ бешинчи йил ёзи,  
Уст-бош юпун оқ суруп.  
Ёрилган товонимга,  
Онам пиёздоғ суриб  
Ҳолва бериб бир чақмоқ  
— Дамингни ол, — дер, — қани.  
Тонгда жўнаб кетардик,  
Қирга — бошоқ тергани.  
Гоҳо эслаб шуларни,  
Кўзларимдан ёш томар.  
Бувим белбоғ тикарди,  
Хизматида тошпонар.  
Безгак хуруж қилганда,  
Кўкка чиқиб нолишим.  
Тол баргига кўмишса,  
Беда бўлган болишим.  
Аён эди беш қўлдай,  
Қапчиғайнинг даласи.  
Бир ўнгарда тўрқовоқ,  
Унда жўрнинг<sup>1</sup> боласи.  
Бошоқ теришдан ўзга  
Эрмагимиз йўқ эрди.  
«Кунтуғмишни» Давронбой<sup>2</sup>  
Оқшом ёддан ўқирди.  
Тетикланиб қолардик  
Унутулиб иш, чарчоқ.  
Болалигим — эпкиндай  
Сезилмай ўтди ҳар чоқ.  
Онам бурчоқ<sup>3</sup> қовурса,  
Оқшом чоғи хўракка.

<sup>1</sup> Жўр — тўрғайнинг бир тури.

<sup>2</sup> Даврон Шабдонов — халқ дostonларининг билимдони бадихағўй юртдошим.

<sup>3</sup> Бурчоқ — ёввойи нўхат.



Сигмас эди ҳаддимиз,  
Бир ҳовучдан бўлакка.  
Рўзгор деган ташвишдан,  
Бўлмаган-чун ошиниб.  
Қўёлмадик отамга,  
Ҳатто қабр тошини.  
Қатнаб қўшни қишлоққа,  
Унинчини битирдим.  
Қўл калтайди, наинки,  
Бирор ўқишга кирдим.  
Кейин ишга жойлашдим,  
Олис эди қишлоқдан.  
Холам сафар халтамга,  
Солгач талқон, пишлоқдан.  
Дафтар тўла машқимни,  
Эҳтиётлаб ўрадим.  
Сўнг ийманиб онамдан,  
Оқ фотиҳа сўрадим.  
Пешонамдан ўпди-ю,  
Бир зум боқиб афтимга.  
Дуо қилиб, йўл харжиг  
Аста босди кафтимга.  
Поезд учар шимолга,

\* \* \*

Йўрға отдек пилдираб.  
Ўтиб кетди орадан  
Ўттиз йил ҳам гилдираб.

...Тилардингиз, онажон,  
Улкан бардош ва тўзим.  
Сизнинг ёрқин руҳингиз,  
Менинг йўлчи юлдузим!



## АСФАЛЬТДАГИ РАСМЛАР

Ким танимас кўчамизда,  
Дилшод, Сора, Қосимларни.  
Асфальт йўлда уймалашиб  
Чизар турли расмларни.  
Вақтинчалик унутишган,  
Китоб, қалам, дафтарларни.  
Акс эттирар шар ушлаган,  
Болаларни, каптарларни.  
Оқшом чўкиб, тун оҳиста,  
Қора чойшаб ёпганида.  
Кўкнинг момогулдираги  
Бўз тулпорин чопганида.

«Сувга оқиб кетмасайди  
Йўлда қолган расмлар», деб  
Дилшод тунда ухлай олмай  
Ташвишланиб чиқди ҳадеб.  
Эҳ, ҳайрият ёмғир бу гал,  
Суратларни ўчирмабди.  
Машиналар каптарларни  
Чўчитмабди, учирмабди.  
Тонг ёришиб, офтоб тоққа  
Алвон рангдан дурра боғлар.  
«Тинчлик», «Она» дегат\_ёзув,  
Шар ушлаган қизалоқлар,  
Кун нуридан товланади  
Кечагидан ёрқин, аниқ.  
Қуёш акси байроқларга —  
Ўтган каби ёлқинланиб:

## БАЙРАМ КУНИ

Немис фашистларининг Майданек ўлим лагерда кўрганларимни айтишга тилим бормади... Гитлерчи жаллодлар маҳбусларни бир сафга тизиб, уларни бирваракайига жодидан ўтказиб, экинзорлардаги қарамларни инсон қони билан суғорар экан. Шунинг учун полиздаги қарамлар қип-қизил эди...

ЗОЯ НАЗАРОВА,  
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси,  
Қизил Юлдуз ордени кавалери,  
ҳарбий журналист.

Биз ғалаба байрамини,  
Ҳар баҳорда нишонлаймиз.  
Энди уруш бўлишига  
Йўл бермаймиз, ишонмаймиз.

Манфур фашист маҳбусларни  
Қиймалаган жоди билан.  
Биз яшармиз боболарнинг  
Покиза, руҳ, ёди билан.

Сувмас, қонлар эвазига  
Наҳот, қарам суғорилса?!  
Одамларнинг терисидан,  
Қўлқоп билан сумка қилса?

Байрам куни момом олиб,  
Бобом тишлаб кетган нонни.  
Аста ўпиб, кўзга суртиб.  
Алқар бизни, тинч замонни.

Нон, туз ҳаққи, бу байрамни.  
Чин юракдан нишонлаймиз.  
Энди йўл йўқ, уруш-жангга,  
Уни буткул кишанлаймиз.

### У Ш

(Ўзганбой Йўлдошев хотирасига)

Чорак аср шаҳри Ўшдаман,  
Оқбурадек<sup>1</sup> оқар йил, ойлар.  
«Оқ сарой»ни<sup>2</sup> сақлай олмадик.  
Қурсак ҳамки кўркам уй-жойлар.

Йигирма йил шаҳри Ўшдаман,  
Унинг меҳри қалбимга жодир.  
Лол қоларди ҳозир кўрса гар,  
Тоққа чиқмай ҳазрати Бобур.

Ҳувайдонинг назари тушган,  
Сени Ватан айлаган Бону.  
Айри тушиб Андижонидан,  
Шоир Махжур куйлади ёниб.

Дўстим, наҳот Барокўҳ<sup>3</sup> тогин,  
Тақдиримдан айри кўрайман.  
Буюк Ҳабиб Абдулло ҳаққи,  
Руҳан ундан мадад сўрайман.

Бағрим бутун, дўстларим бисёр,  
Камёб Ўшдай хушҳаво жойлар.  
Вафоли ёр, ўғил-қиз топдим,  
Оқбурадек оқар йил, ойлар.

---

<sup>1</sup> Оқбура — Ўшдан оқиб ўтувчи дарё.

<sup>2</sup> Оқ сарой — Бобур қурдирган ҳужра.

<sup>3</sup> Барокўҳ — гўзал тор, Сулаймон тоғи.

Чорак аср шаҳри Ҷшдаман,  
Хизматчилик, илож йўқ, нетай?  
Ростин айтсам, осмони кенгроқ  
Қишлоғимдан ўргилиб кетай..

## УЧ ПАҲЛАВОН

Уч паҳлавон,  
Уч қаҳрамон.  
Жанг-жадалга  
Солиб нўхта.  
Уш тоғида —  
Барокўҳда  
Харсангларни  
Қўйиб бошга,  
Айланишиб  
Тилсим — тошга  
Ухлаб ётар  
Донг қотишиб.  
Болакайлар,  
Шовқин солиб,  
Юборинглар  
Уйготишиб...

1984

## ОҚБУРА ТЎЛҚИНЛАРИ

Абдуғани Абдуғафуровга

Нортуядек пишқириб  
Авж саратон кунлари,  
Кирар осмон рангига  
Оқбура тўлқинлари!  
Оқбура тўлқинлари!

Алла айтар шаҳримга  
Мижжа қоқмай тунлари.  
Саркашу сариштадир  
Оқбура тўлқинлари!  
Оқбура тўлқинлари!

Тонгдан бергай хушхабар  
Майна, булбул унлари.  
Қимиздай пишиб келар  
Оқбура тўлқинлари!  
Оқбура тўлқинлари!

Бароқўҳга ой миниб,  
Акс этар ёлқинлари.  
Ушга белбоғ — зар камар  
Оқбура тўлқинлари!  
Оқбура тўлқинлари!

Бағрига сингиб кетар  
Кўча-кўй шовқинлари,  
Билмас кеку адоват  
Оқбура тўлқинлари!  
Оқбура тўлқинлари!

Ювгай дилдан губорни  
Шифобахш қултумлари.  
Беқиёс шўх-шан наҳр  
Оқбура тўлқинлари!  
Оқбура тўлқинлари!

Эмиш Алиф Лайлонинг  
Оқ туяси хунлари..  
Бетакрор, мангу қўшиқ  
Оқбура тўлқинлари!  
Оқбура тўлқинлари!

1985





## ШАНБАЛИК

Чўққиларга илинди  
Оқ булутлар туғ бўлиб.  
Ерга сингмай қор суви,  
Кўкка ўрлар буғ бўлиб.

Мусичага манзил-макон,  
Таниш бўғот, пешхари.  
Бобом тортар ўқариқ,  
Бар урилган пешлари.

Момомнинг фикри-зикри  
Жағжағу, исмалоқда.  
Шанбалик қилиб кеча  
Синфимиз чиқди боққа.

Дов-дарахтни боғбонлар,  
Соч-соқолин қийишди.  
Биз оқлаган дарахтлар,  
Оппоқ пайпоқ кийишди.

Раис бобо шод бўлиб,  
Қўлимизни қисади:  
— Бу шанбалик тинчликка,  
Сизлар қўшган ҳиссадир.

1984

## ЖҰНАТАМАН ҚУЁШНИ

Салом, дада! Соғинарми —  
Сизни мендек ҳеч киши..  
Сузиб олди укамни  
Қўшнимизнинг эчкиси.  
Ойижоним соққан сут,  
Дошқозонда кўпирар,  
Катта бувим айвонда  
Кўрпа қавиб ўтирар.  
Нон ёпгани етарли  
Ғўзапоя — ўтинлар.  
Армиядан амаким  
Келиб қолди бутунлай.  
Осдик беҳи, нокларни,  
Бу куз учун хоску-я.  
Тоғам менга айтдилар,  
Совуқ эмиш Москва.  
Учгим келар Сиз томон  
Қамишқулоқ отимда.  
Жўнатаман қуёшни  
Мен келгуси хатимда...

1984

## КЎНГЛИМ ЎСАР ТОҒДАЙИН

Ҳар гал борсам яйловга  
Кўнглим ўсар тоғдайин.  
Меҳмон келса чўпонлар  
Эриб кетар ёғдайин.

Отни тезлаб жилгадан  
Тушиб келар қария.  
Қўш саночда қимизни  
Пишиб келар қария.

— Тош ўчоққа ўт қалаб,  
Дастурхон сол, ҳой, Турар.  
Зайнаб хола бўғриқиб  
Қатламага мой суар.

Ҳайдаб борар тўрт отлиқ  
Икки уюр йилқини.  
Тешиктошда иш тигиз,  
Авжида жун қирқими.

Рисмат бобо ўтовда  
Қамчи ўриб ўтирар.  
Икки кампир ширдоққа<sup>1</sup>  
Гулдан нусха кўчирар.

Мен яйловга чанқоқман,  
Чўлда қолган ташнадай.  
Чунки сокин, беғубор,  
Турна кўзли чашмадай.

1983

---

<sup>1</sup> Ширдоқ — гиламнинг бир тури.

## ТОЛДИ БУЛОҚ

Тўрғай ётар тухум босиб  
Шувоқ билан сирлашиб.  
Қора қўнгиз соққа ясаб  
Дўнгга туртар тирмашиб.

Юмронқозиқ серҳадик.  
Иш битирар югуриб.  
Суғур арча остида  
Турар тасбеҳ ўгириб.

Чигирткалар қамишдан  
Най ясайди — кертади.  
Кўкандаги бияга  
Сўна дотор чертади.

Тинмас Толдибулоқ ҳам,  
Майнанинг завқи жўшган.  
Нусрат момо ер тандирда,  
Пиширар сингги пўшкал<sup>1</sup>.

1982

---

<sup>1</sup> Пўш к а л — тоғликлар унга қаймоқ ва пиёз қўшиб тайёр-  
лайдиган нон.

## САРИЧЕЛАК

Саричелак номи кетган  
Қўриқхона — улкан кўл.  
Беш минг метр тепада.  
Тоғ устида кулган кўл.

Асқар тоғдан сув тушар  
Қояларда янчилиб,  
Дейсан, наҳот қарагай  
Кўкда қолган санчилиб.

Келар чанқоқ босгани  
Кийик, қулон оҳиста,  
Архар шохи илиниб  
Тўкилар хандон писта.

Қорли чўққи эслатар  
Қирғиз оғам тумоғин.  
Тоғ асалнинг ҳидидан  
Битиб қолар димоғинг.

Йўлга тушдим, елкамда  
Сафар халта — белагим.  
Учрашгунча омон бўл,  
Хайр, Саричелагим!

1982

## ЕДГОРЛИК

Онам бошоқ тергани  
Боришимни эшитиб  
Тўқиб берди жун қопчиқ,  
Урчуқда ип пишитиб.  
— Бўз кўйлақдан тез ўтар  
Қилтириқнинг санчгани.  
Ўғлим, сарак тера қол,  
Жуда ўнгай янчгани.  
Ўша халта кечгача  
Елкамдан тушмас асти.  
Ёшу қари далада,  
Озиқ-овқат етмасди.  
Каламушнинг инларин  
Бузар гоҳо Қаримжон.  
Баъзан бугдой чиқарди  
Шиббаланган ярим жом.  
Уруш тугаб чекинди  
Қаҳатчилик-йўқчилик.  
Жангдан қайтди оз киши,  
Етим қолди кўпчилик.  
Бардош бердик бир нави  
Оғир, ёмон кунларга,  
Етиб келдик ниҳоят,  
Доруломон кунларга.  
Бир кун ойим эркалаб:  
— Етар, — деб кулиб қўйди  
Қопчиқни тузлуқ қилиб  
Айвонга илиб қўйди.  
— Онам-ку, ўтиб кетди,  
Илож йўқ, умр калта.  
Аммо ризқ-рўз улашар  
Ҳамон ўша жун халта.

1963

## ОҚ ҚАЛПОҚ

Қирғиз ёзувчиси Тўлаген Қосимбековга

«Асрлардан — асрларга  
Ўтиб келган оқ қалпоқ.  
Насллардан — наслларга  
Етиб келган оқ қалпоқ».  
Оқ қалпоқнинг оқ қисми  
Онамнинг оқ сочидир.  
Қоясидан қор кетмас,  
Олатоғнинг бошидир.  
Оқ қалпоққа кўк жига  
Тикиб берган парвонам.  
— Бу нимани англатар?  
— Буми жаннат Фарғонам.  
Чўғдек қизил ҳошияси  
Акси эрур қуёшнинг.  
Ўз табаррук ўрни бор  
Ҳар учала қиёснинг.  
Оқ қалпоғим бор экан,  
Гард қўнмайди қошимга.  
Ўзбегимнинг дўпписидай  
Мағрур турар бошимда.  
Асрлардан — асрларга  
Ўтиб борар оқ қалпоқ.  
Насллардан — наслларга  
Етиб борар оқ қалпоқ.

1976

## ЯША, РАҲМАТ!

Дилбар, Тўлан  
Байрам билан  
Бир-бирини қутлашар.  
— Дўстим Ҳасан,  
Тезроқ ясан,  
Чирмандани чал, Башар.

Юзи лўппи,  
Бошда дўппи,  
Тўни ял-ял беқасам.  
Бошла тезроқ,  
Вақт озроқ,  
Кеч қоласан йўқса сан.

Рака-рум-ранг!  
Така-тум-танг!  
Учиб қўяр елкаси.  
Қойил Ҳасан,  
Қотирасан  
Бу — Андижон полкаси!

Яша, раҳмат!  
Куйлар, Аҳмад,  
Шеър ўқиган Омондир.  
Шунинг билан  
Дилбар, Тўлан,  
Концертимиз тамомдир.


1976



## ЯХМАЛАК

Тол-терақлар  
Булдуруқ,  
Жунжикаман  
Ўлтириб.  
Йўл-у бекат  
Муз ойнак,  
Анҳор таққан  
Кўз ойнак.  
Янги уст-бош  
Эгниди,  
Бурнич артиб  
Енгида,  
Гапга кирмай  
Мирҳайдир,  
Яхмалакни  
Зир ҳайдар.  
Ғиз-ғиз учиб  
Ўнгирдан,  
Шошиб қолиб  
У бирдан,  
Тушиб кетди  
Ариққа,  
Усти-боши  
Ҳўл жиққа.  
Қолди бир пой  
Пиймаси  
Ойим нега  
Куймасин?..  
Бир оёқда  
Қўл тираб.  
Укам турар,  
Мўлтираб...

1977



## ТУНДА УЧГАН ЮЛДУЗНИ

Нодир: — Космонавт бўлсам ойга  
Каптар расмин ўярдим.

Носир: — Ер куррасин байроқдек,  
Алвон рангга бўярдим.

Нодир: — Она-Ватан меҳрига  
Кўкдан боқиб тўярдим.

Носир: — Марсга экиб ҳандалак,  
Дўстлар келса сўярдим.

Нодир: — Тунда учган юлдузни  
Ўз ўрнига қўярдим.

— Эҳ, аттанг, — дейди Носир, —  
Ёшмиз-да, бизлар ҳозир.

1976

## ЧОБОТИ ҚИШЛОҒИДА

Москвада ўтган йили,  
Бўлган эдик бир ҳафта.  
Бу чоботи қишлоғида  
Бўлиб ўтган бир гап-да.  
Бир отрядни аташаркан,  
Чўлпонбойнинг<sup>1</sup> номида.  
Бизни улар кутиб олди  
Дам олиш оқшомида.  
Гулхан ёқиб таклиф этди  
Шу пайт давра тўрига.  
Саша кўмар картошка  
Арча ўтин қўрига.  
Меҳмонларга бирма-бир,  
Гул улашиб кетишди.  
Сўнг галстук тақишиб,  
Бизни табрик этишди.  
Байроқ ял-ял товланар,  
Оқ қайинга қадалган.  
Шеър ўқир шоир Жўлан<sup>2</sup>,  
Чўлпонбойга аталган.  
Сўнг ёзувчи Сулаймонов<sup>3</sup>  
Эслаб ўтган урушни,  
Сўзлаб берди Берлингача  
Бўлган қонли юришни.  
Миша гармон чала кетди,  
Римма тушди ўйинга.  
Бу учрашув шеър бўлиб,  
Оқди фикр-ўйимда.

1975

---

<sup>1</sup> Совет Иттифоқи Қаҳрамони Чўлпонбой Тулебердиев.

<sup>2</sup> Қирғиз шоири — Жўлан Мамитов.

<sup>3</sup> Қирғиз ёзувчиси — Исроил Сулаймонов.

## БОҒБОН

Устоз Қудрат Ҳикмат хотирасига

Асқар ота  
Деҳқон одам.  
Боги тўла  
Анжир, бодом.

Келинг айтиб  
Берай бошдан,  
Ҳозир ўтди  
Олтмиш  
ёшдан.

Ҳали кучдан  
Қолгани йўқ.  
Ҳамон ишлар,  
Ёлғони йўқ.

Дангал сўзли,  
Абжир,  
бардам.

Боғ яратиб  
Келар ҳар дам.

Бу йил  
хурсанд  
Тўкин куздан.  
Шогирди ҳам  
Ошар юздан.

Ҳар кўчатга  
Берар сайқал.  
Боғнинг ўзи  
Унга ҳайкал.

Шеър боғида  
Кўнгли  
чоғман.

Қудрат  
Ҳикмат  
Шундай  
боғбон.

1976



## ОЙ ПЕТРИ

Қора денгиз сатҳидан,  
Уч минг метр Ой Петри.  
Орти эса қўриқхона,  
Кийикларга жой Петри.

Қрим тизма тоғларин  
Қучар денгиз, қучар сув.  
Ой Петридан бошланар,  
Машҳур шовва Учан сув.

Ой Петрига булут қўнса,  
Уч кун ёмғир ёгаркан.  
Пар тўшакдай сирғалиб  
Ялта сари огаркан.

Йўлга тушиб тонг пайти,  
Тоғда қилдик нонушта.  
Бундан яққол кўринади  
Артек билан Алушта.

Кемалар бир маромда  
Янгилаб борар изни.  
Айиқ тоғи бепарво,  
Симиради денгизни.

Сенга меҳрим тушганди,  
Мактабда — бола чоғдан.  
Бугун салом келтирдим  
Серқуёш Олатоғдан.

1975,

## «ЭРТАКЛАР ДУНЁСИ»

«Эртақларнинг дунёси»  
Бордир десам шу тобда.  
Асқар бунга ишонмай,  
— Бор, — дер фақат китобда.  
Билсанг, Ялта шаҳридан  
Ун чақирим узоқда  
Кенг ўрмонзор қўйнида,  
Сен уни кўриб — боқ-да.  
«Эртақларнинг дунёси» —  
Атай ташкил этилган.  
Рассомлар ҳафсаласи,  
Меҳри билан етилган.  
Дарвозадан ўтиш билан  
Ажойибот бошланар..  
Гоҳо кулиб, лол қолиб,  
Кўзларингиз ёшланар.  
Пушкин ёзган эртақлар,  
Кўрк бағишлар боғ аро.  
Балиқчи чол ва кампир,  
Ёнда тешик тоғора.  
«Алдаркўса» отида  
Овул кезар айланиб,  
Ана машҳур «Уртўқмоқ»  
Турар жангга шайланиб.  
Бўри хафа, ёрдам сўрар,  
Қорлар ёғиб қовоғидан.  
Турна эса чўнг суякни  
Тортар унинг томоғидан.  
Жуда мослаб йўнилгандир,  
Ҳайвонларнинг шакли, изи.  
Аслида-чи, улар бари  
Арча, толнинг жўн илдизи.

«Зиёд ботир» йўлда борар,  
Аждарҳога қасд қилиб.  
Бу кўрғазма ташкил топган,  
Зўр эртақлар асос бўлиб.

1970

## ВАРРАК

Укам Акбар варрагини  
Апил-тапил битказиб,  
Ойим берган галтак ипни  
Бўйра чўпдан ўтказиб,  
Чопганича чиқиб кетди,  
Кўча томон пилдираб.  
Қуёш эса тоғ ортига  
Ўтган эди гилдираб.  
Акбар қайтди кўчадан  
Ҳафсаласи пир бўлиб.  
Учиролмай қийналибди,  
Хол иккови бир бўлиб.  
— Саҳар туриб қуёшни  
Боглаб терак учига,  
Маза қилиб учирай деб,  
Ўйлаб қўйди ичида.

1974

## ЧАҚМОҚ

Ўғлим терар бойчечак,  
Ўйинни ҳам унутган.  
Баҳор эса осмонга  
Кўйлак тикар булутдан...

Бир бола тузоқ қўйиб  
Чумчуқ ушлар, қуш овлар.  
Раҳмат ака отини  
Ўтга қўяр тушовлаб.

Қизгалдоқлар ловуллаб,  
Қир бағрида яшнади.  
Чақмоқ чақди қарсиллаб,  
Ёмғир ёга бошлади.

Ўғлим чопар мен томон,  
Гул сайрини унутган.  
Баҳор кўйлак кийдирди,  
Кўк эгнига булутдан.

1976



## АҒДАРИШМОҚ<sup>1</sup>

Ағдаришмоқ соз ўйин,  
Полвонлар эмас бўйин.  
Даврани кенг оламиз,  
Чунки тенгқур боламиз.  
Шайландим миниб эшак,  
Акмал ҳам чиқди бешак.  
Ва бошланди тортишув,  
Тез йиқитиш — шарти шу.  
Мақтовлар ошар бошдан,  
— Қани ол, дер ёнбошдан.  
Узангига тиралиб,  
Торта кетдим буралиб.  
Утирганлар «уҳ» дейди,  
Акмал отин «чўҳ» дейди.  
У олгач этагимдан,  
Тўқим тушди тагимдан.  
Кўзимни очсам аранг,  
Полда ётибман қаранг.  
Тушим экан, хайрият,  
Унгимда бўлса... Уят.

1964

---

<sup>1</sup> Миллий ўйин.

## ЎҚИРИҚ<sup>1</sup>

Туни билан Қоратоғда,  
Бўрон тинмас ўкириб.  
Оч бўридай улийди,  
Қор тўзгитиб, бўкириб.

Тентаксой ҳам димланиб  
Тошни гажир кўпириб.  
Дош беролмай тўзонга  
Оқиб кетди кўпирик.

Олиб қочар тек қўйсанг  
Бўз ўтовни ўпириб.  
Жаҳлим чиқар отамнинг  
Нақ пинжида ўтириб.

— Ўғлим, — тойдек бўронлар  
Асовланар ўкириб.  
— Жиловлайман мен уни,  
Ясаб улкан ўқириқ.

1976

---

<sup>1</sup> У қ и р и қ — учига қил арқон боғланган таёқ.

## БАҲОР КЕЛГАЧ

Ҷиш қорини супурди,  
Қуёш нурин уфурди.  
Ялпиз ҳиди гупурди  
Баҳор келгач.

Чақмоқ кўкда ёнгоқ чақди,  
Қизгалдоқлар селда оқди.  
Қуёш яна кулиб боқди  
Баҳор келгач.

Қўзиқорин тердик тоғда,  
Одил бормай қолди доғда.  
Сўнг қовуриб едик ёғда,  
Баҳор келгач.

Ялангоёқ қирда чопдик,  
Сават-сават жағ-жағ топдик.  
Икки тандир сомса ёпдик,  
Баҳор келгач.

## САЁХАТ

Каникулим кетмасин деб,  
Бекор, бўшга.  
Сирдарёлик дўстим Тўра  
Келди Ўшга.  
Шаҳар бўйлаб ошнамни,  
Айлантирдик.  
Музей, кино, театр,  
Боққа кирдик.  
Санаторий, дам олиш  
Уйларида,  
Оқбура дарёсининг  
Бўйларида  
Ҳордиқ олиб, чўмилиб  
Қилдик маза.  
Сўнг ипак комбинатин  
Кўрдик роса.  
Дўстим қарар атрофга  
Ҳайратланиб.  
Ҳа, чиндан ҳам шаҳарни  
Бўлмас таниб.  
Мана, Сулаймон тоғи,  
Ўшнинг кўрки.  
Юксакда қўш қайрағоч,  
Унинг бўрки.  
Тонг чоғи биргалашиб  
Эмин, Тоҳир,  
Ана шу тоғ устига  
Чиқдик охир.  
Бунга шоир Бобурнинг  
Пойи теккан.  
Шу ерда у кўп шеърлар  
Ижод этган.  
Тоғдан яққол кўрасиз  
Гўзал Ўшни.

Ана, Ўзган, Асака —  
Яқин қўшни.  
Сайру-саёҳат учун  
Раҳмат айтиб,  
Уч кундан сўнг Тўравой  
Кетди қайтиб...

1960

## МОМОҚАЙМОҚ


Момоқаймоқ, қуёш нури,  
Сенга кўпроқ оқарми?  
Ё сариқ соч ўзингга  
Ҳаддан ортиқ ёқарми?

Бугун кўриб танитай,  
Кўплар ҳайрон боқарди.  
Қани айт-чи, сочинг нега  
Бир кечада оқарди.

Оҳиста қўл узатсам,  
Шамол турди аксига.  
Сочинг тўзғиб бирданига  
Тушдинг елнинг рақсига.

Умринг бекор ўтмабди,  
Шунинг ўзи қадрли.  
Раҳмат, уч кун бўлса-да,  
Яшнатдинг қир-адирни.

1974



## ҚОР

Ер гүё улкан супра,  
Булут қорни пуркайди.  
Бир зумда дала-тузни  
Оқ чойшабга буркайди.  
Захро момо сандалин  
Бизлар қўмсаб турсак-да,  
Аmmo хаёл шифтдаги  
Халта тўла туршакда.  
Боғ тўрида олапар  
Уйнар эски терини.  
Холмат акам куф-куфлаб,  
Утин ёрар эриниб.  
Дову-дарахт булдуруқ.

Кўчада ҳам оз «болалар».  
Эрта тонгда автобус  
Катта йўлни дазмоллар.  
Долим бобом қўлидан,  
Тушмас курак, супурги.  
Токи ерга етгунча  
Яхлаб қолар тупуги.  
Шамол қорни тўзгитиб  
Ҳуштак чалар ишқириб.  
Худди асов отдаин,  
Қиш депсинар пишқириб.  
Буруқсийди мўркон ҳам  
Совуқ олар забтига.  
Укам тортиб бурнини  
Кафтин ишқар кафтига.  
Тинмас осмон элаги,  
Она ер гўё супра.  
Қир, адир, дала-тузга  
Қор ёғар турфа-турфа.

1969

## ЎҒЛИМГА

Жанг борарди юртда қаттол,  
Кирза этик кўрмай ҳатто,  
Кир-чир кўйлак, ёқавайрон,  
Ўсган эдик, бўлма ҳайрон.  
Туфли қайда, бошлар яланг,  
Бошоқ териб ёшу яланг.

Зогора-ю думбул ердик,  
Аталага шукур дердик.  
Уруш деса кўнглим ғашким...  
Сенга келар ҳавас, рашким.  
Ўзинг бундоқ кўргин ўйлаб,  
Қўш-қўш кастюм, сара кўйлак.

Бизнинг ёшлик, ўғлим, бир оз  
Огир ўтган, билсанг бу рост.  
Ўйлаб иш қил, бошдан тортиб,  
Такасалтанг бўлма ортиқ.  
Ҳар нарса мўл, тўкин юртким,  
Тупроғини кўзга суртгин.

1977



## БАРЧА ҚОЙИЛ

Давра тобда,  
Нор рубобда  
«Баҳор вальсин»  
Яна чалсин.  
Узат найни,  
Кел, оғайни.  
Мелиқўзи,  
Чангда ўзи  
Жўр овоздир,  
Зўр овоздир.  
Қилмайин ноз,  
Ўйнар Гулноз.  
Янграр гармон  
Йўқдир армон,  
Саша, Нойил,  
Барча қойил.  
Яша Ғани,  
«Лезгинка»ни,  
Қийиб қўйдинг,  
Шу ёз чоғи  
Артек боғи  
Ҳа, гоятда,  
Ниҳоятда,  
Олди ҳусн,  
Байрам тусин.  
Ёнди лов-лов,  
Гулхан — олов.  
Қардошликни —  
Ва ёшликни  
Қилдик таъриф,  
. Дейди, Маъруф.

1973

## ЁШ ДОРБОЗЛАР

Ёш қўшимиз Анвар, Ҳктам,  
Дорга ихлос қўйган кўпдан.  
Тутга арқон тортиб боғлар  
Ёш дорбозлар, ёш дорбозлар.

Кўкни тутар найнинг саси,  
Жом ва пақир чирмандаси.  
Лангар тутиб қаддин ростлар —  
Ёш дорбозлар, ёш дорбозлар.

Масхарабоз Каримберди,  
— Қани қарсак чалинг дерди.  
Оёқ серпиб, куйга мослар —  
Ёш дорбозлар, ёш дорбозлар.

Ғайратидан дил энтикар,  
Балки ойга ҳам дор тикар.  
Машқ қилса, қишу ёзлар  
Шу дорбозлар, ёш дорбозлар.

1976

## ҒИШТ ҚУЯМИЗ

Деманг бизни олифта,  
Тўрт хонали қолипда  
Ғишт қуямиз.

Қум сепади Комилжон,  
Дилшод, Беҳзод жамул-жам,  
Ғишт қуямиз.

Лойни бироз тиндириб,  
Сув заҳрини синдириб,  
Ғишт қуямиз.

Сергиб қолар асталаб,  
Уни териб — дасталаб,  
Ғишт қуямиз.

Уй тикланар орада,  
Ишлар қизгин боради,  
Ғишт қуямиз.

Завқли ўтар ёзги таътил,  
Пешона тер ҳалол татир,  
Ғишт қуямиз.

1977

## ШОЛИ «ПОЛВОН»

«Саксон кунда савоқдаман,  
Тўқсон кунда товоқдаман».  
Деб мақтанар шоли полвон,  
Ғам-ташвишдан ҳоли полвон:  
Сувга сира тўймаслигин,  
Деҳқонни тинч қўймаслигин  
Балки билмай мақтанади,  
Ёки атай нақ тонади.  
У жувоздан ўтгунича,  
То қозонга етгунича,  
Қадоқ қўлли деҳқон акам,  
Тиним билмас, ҳа, чинакам,  
Меҳнатга шай, енги турмак,  
Шунинг учун босмас курмак.  
Мақтовга кўп берилмагин.  
Камтарин бўл, берилмагин.

1974



## ЕРДАМЧИЛАР

Бугдой қопти,  
Миталаб.  
Териб бўлмас  
Битталаб.  
Ҳолиқ бобо  
Бир-бирдан,  
Ўтказса ҳам  
Ғалвирдан,  
Қурт аримас  
Негадир,  
Донга наҳот  
Эгадир?  
Ҳолиқ бобо  
Ҳайратда  
Уни ерга  
Яйратди.  
Биласизми  
Шу маҳал,  
Чумолилар  
Галма-гал.  
Бу текинхўр,  
Митадан,  
Қолдирмади  
Битта ҳам.  
Бобом бундан  
Шодланди.  
Тегирмонга  
Отланди.

## ПОЙГА

Тошдан-тошга урилиб,  
Сапчиб оққан сувни кўриб  
Чопа кетди Муроджон,  
Ким ўзарга югуриб.  
Қоя бўйлаб сакрайди  
Гоҳ пастликка, гоҳ тикка.  
Тошдан-тошга ирғиб сув  
Тушди оппоқ кўпикка.  
Ўзича ўйлаб Мурод:  
«Ортда қолмай ишқилиб».  
Сув эса парво қилмай,  
Ўйнар, чопар пишқириб.  
Мурод секин орқасига  
Боққан эди қайрилиб,  
Сув бурилиб оқарди  
Пахтазорга айрилиб...

1960

## НАСИБАНИНГ ОЛМАСИ

Насибанинг олмаси  
Тушиб кетди ариққа.  
Тутқич бермай ўйнайди,  
Ўхшаб олтин балиққа.  
Содиқжон кўриб қолиб  
Олмани ушлаб берди.  
Раҳмат айтиб Насиба  
Ярмини тишлаб берди...

1976

## СУМАЛАК

(Манзара)

Бойчечаклар ниш уриб  
То тургунча ўрнидан,  
Баҳор қишни тарновга  
Осиб қўйди бурнидан.

1984

## ОМОН БЎЛСИН

Татар шоирлари Богу Турай,  
Рустам Мингалим ва  
Гарай Раҳимларга.

Овлоқ ўрмон, зумрад кўлдан  
Балиқ овлар бизга Рустам.  
Суҳбатимиз шеър ҳақида,  
Тўрттовимиз тўрт улусдан.

Шоир аҳлин билса бўлур  
Дилда ёнган эзгу ҳисдан.  
Ҳасан Тўфон юбилейига  
Бордик оқшом дабдурустан.

Ҳасан абзий сўзлар мамнун:  
«Мир Алишер зукко устам».  
Муса Жалил, Тўқай назми  
Бир умрга чиқмас эздан.

Дўстлар меҳрин мен инкишоф  
Эгдим бу гал шул хусусдан.  
Омон бўлсин, Оқ Эдил-у  
Гарай Раҳим, Богу, Рустам.

1981



## БУҒДОЙЗОРДА

— Нега бугдой бош эгар?  
Савол бердим дадамга.  
— Меҳнатини олқишлаб,  
Таъзим қилар одамга.  
— Тилла ранга уларни  
Кимлар бўяб кетишган?  
— Қадоқ қўлли деҳқонлар  
Терлар тўкиб экишган.  
Шу туфайли ҳар бошоқ,  
Олтин бўлиб етишган.

1975

## КУЗ

Яна хазонрезгилик,  
Боғлар ранги синиқди.  
Дилда ҳоким эзгулик,  
Анҳорда сув тиниқди.

Оқ ятакли қайинлар  
Тақди яна зар балдоқ.  
Қушларга гап тайинлаб  
Чағ-чағлайди заргалдоқ.

Уфқ эса лолагун,  
Дарахтлардан ранг олар.  
Хайрлашиб куз бугун,  
Сочар олтин тангалар...

1976

## ПИЧАН ҰРИМИ

Адир, дала,  
Чаман лола  
Кўзни олар ҳар томон.

Ишлар дадам,  
Терлаб бадан  
Мен ҳам чалги тортаман.

Хўп авзйлаб,  
Бойлаб-бойлаб,  
Тойчоғимга ортаман.

1975

## ҚЎЗИҚОРИН

Роса уч кун ёмғир ёғиб,  
Чақмоқ чақди бетиним.  
Тонгда чиқсам қўзиқорин  
Қоплабди қир бетини.  
Сават олиб тера кетдим,  
Бари зонтик кўтарган.  
Ойнагул ҳам ёрдам берди,  
Сўқмоқ йўлдан ўтаркан.  
Тумандайин кўтарилар,  
Ернинг буғи — ҳовури,  
Едик қўзиқоринни,  
Сариёгда қовуриб.

1976

## НА ЧОРА...

Олмахонни мушук кўриб чиқди жаҳли,  
Шохдан-шоҳга сакраб юрар, борми ақли?  
Қўнгир, қизгиш, думи узун экан бир оз,  
Ёнгоқ чақар ўртадаги фарқ шу холос.  
Олмахоннинг чаққонлиги тайин-да,  
Бир зумдаёқ ирғиб ўтди қайинга.  
Мушук эса қайрағочга чирмашди,  
Аммо шохда чопқиллашни билмасди.  
Олмахонга тақлид қилиб бечора,  
Чалпак бўлиб ерга тушди,  
На чора?..

1976

## Д У П П И

Хол мактабдан кеч келди,  
Усти-бошин кир қилиб.  
Дўпписи чок-чокидан  
Кетган эди йиртилиб.  
— Дўппингни ким йиртди, — деб  
Онаси куйиб-пишди.  
— Ҳа, буни ўртоқларим  
Футбол қилиб тепишди.  
— Ўша маҳал сен ўзинг  
Қаёқларда юргандинг?  
— Дарвозабон эдим-да,  
Ўша ерда тургандим...

1968

## БУВИМЛАРГА МАЗА-ДА

— Бувимларга маза-да, —  
Дейди кулиб Озода.  
Ҳайрон Мухтор ва Гулсум,  
— Нимага? — сўрар Унсун.  
— Уларнинг-чи, тиши йўқ,  
Оғриқ билан иши йўқ...

1976

## ҚОРОНҒИДА БИЛМАСДАН

— Бу нимаси, сандиққа  
Биров чангал солибди.  
Бир халтача ёнғоқдан  
Беш донаси қолибди.  
Ҳой, боласи тушмагур  
Ёнғоқларни ким еди? —  
Деб Нурматдан онаси  
Аста сўраган эди,  
Нурмат жавоб қайтарди,  
Бошини қилиб сарак.  
— Қоронғидан бештасин  
Кўрмаган бўлсам керак.

1962.



## ЖОЙИГА ИЛАЯПМАН

Назми хола кўрпа қавиб  
Ўтирарди супада.  
Набираси хом олмани  
Узиб солар липпага.  
— Шохда нима қиляпсан?  
Пастга туш, Хосиятхон!  
— Тўкилган олмаларни  
Жўйига осаяпман...

1973

## ХОЛАМГА ЁРДАМ БЕРДИК

Сув ташир Шокир, Ҳасан,  
Сен ўтин ёр, бўлмаса.  
Уй супураб Ҳилола.  
Гулруҳ ювар пиёла.  
Лутфулла билан Башир.  
Замбилда кўмир ташир.  
Мен-чи нонни ботириб,  
Қаймоқ едим қотириб...

1973

## ТИПРАТИКАН

Саҳар Раҳмон иккимиз  
Юрсак полиз оралаб,  
Шу маҳал типратикан  
Ура қочди паналаб.  
Ҳамак отсам укам дер, —  
— Ўлди ака, янчилиб.  
Ҳамак борар йўргалаб,  
Игнасига санчилиб...

1964

## ЗАРИФАНИНГ ШЕЪРИ

Ой гардиши камалак,  
Кокилларим жамалак.

— Сочинг мунча узун дер, —  
Хуршидахон чамалаб.

— Ҳайрон бўлманг нега деб,  
Шунча сочга эга деб.

Кокилимнинг лентаси,  
Ёйсам ерга тегади...

## БОҒДА

Боғ оралаб борар эдик,  
Омон, Қўзи.  
Бир олмага Қўзивойнинг  
Тушди кўзи.  
— Боғбон кўрса хафа қилар,  
Қўйгин десак.  
Гапимизга қулоқ солмай,  
Отди кесак.  
Қўзининг бу қилган иши,  
Чакки эди.  
«Пақ» деб олма бошга тушгач,  
Дакки еди...

1961

## БАҲОНА

Ҳашар куни Озодбек  
Кечга қадар лой қорди.  
Унинг ишчан, абжирлигин  
Ота кўпдан пайқарди.

Гоҳ кетмонда солиб берар,  
Гоҳо ташир челақда.  
Юз-кўзи лой, негаки,  
Ғайрат қилиш керак-да.

— Мунча сенга ёпишмаса  
Бу лой деган зорманда.  
— Баҳонада чўмиламан,  
Шунисига борман-да...

1976

## ҚОРНИ ОҒРИБ

Чўмилгани келишди  
Тентаксойга ёш-яланг.  
Юсуф эса «аквалангист»,  
Комил, Камол бошяланг.

Қуёш худди тандирдай  
Олов пуркаб турмоқда.  
Шўнгиб чиқиб бирма-бир.  
Тобланишар қирғоқда.

Бундай аҳил болаларни  
Мақтасанг оз ҳар қанча.  
Нўъмонжоннинг қорни оғриб,  
Сузди фақат чалқанча...

1982



## БУРНИ ҚОНАБ...

(Манзара)

Кун ботиши Козимни  
Жуда ҳайрон этибди.  
— Дада, қуёш думалаб,  
Тог бошига етибди.  
— Йиқилибди шекилли  
Бурни қонаб кегибди...

1968

## АЛЛАҚАЧОН

— Алла қилгин, кўзингни юм,  
Полвон ўғлим, қийнамай.  
Ҳали қанча ишларим бор,  
Ухла болам, куйманай.

Беланчакда ётган бола  
Кўзларини юмиб олди:  
— Мана, қаранг, ойижон,  
Аллақачон ухлаб қолдим...

1962

## ҚАРИБ ҚОЛИБДИ

Дўнг тепага Розиқ ота  
Макка экувди.  
Эгатини тор қаторлаб,  
Якка экувди.

Пешона тер натижаси,  
Дарҳол сезилиб.  
Ёш ниҳоллар маржондайин  
Чиқди тизилиб.

Йигилгунча арпазорнинг  
Сомон, похоли.  
Макка қариб, кўкси узра.  
Тушмиш соқоли...

1975

## ЯЛҚОВ

Кўрганлар айтар, ёшмас,  
Шўхликдан вақти ошмас.  
Бу қилиги ярашмас,  
Ҳаддан ортиқ.

Иш буюрсанг уқмайди,  
Қўлда китоб ухлайди.  
Сал совуқда «уфлайди».  
Бурнин тортиб.

«Тўрт» қаёқда «уч» олмади,  
Шу аҳволда куч олмади.  
Бу йил яна кўчолмади,  
Ўша Ортиқ.

## СИЧҚОННИНГ ОРЗУСИ

Усиб-унсам,  
Кучга тўлсам  
Мен-чи, мушук бўламан.

Каламушнинг —  
Ғаламиснинг  
Қириб, додин бераман.

Дея сўйлаб,  
Аста ўйнаб  
Сичқон чиқди эшикка.

Уша онда,  
Пешайвонда  
Кўзи тушди мушукка.

Шошганича,  
Қочганича,  
Кириб кетди тешикка...

1972

## ҚЎГИРЧОҒИН АВАЙЛАБ

Ариқдан ўтаётиб  
Гулнора тойиб кетди.  
Мунча анқайдим дея,  
Ўзини койиб кетди.

Ўрнидан туриб дарҳол,  
Кўйлақларини қоқди.  
Сўнгра қўғирчоғига  
Меҳр-ла кулиб боқди:

— Вой, қаттиқ йиқилдингми,  
Кўзлари мунчоққинам?  
Бошинг тошга тегдими  
Йиглама, оппоққинам...

1959

## ОЛҚИШ

Ҳамирдайин кўпчитиб ерни  
Қуёшни март бир оз кўтарди.  
Ўз сафини бузмай турналар  
«Қир-ров» дея куйлаб ўтарди.

Бобом нарвон тиркаб дарахтга  
Шох-шаббани кесар, қайчилар.  
Навбаҳорнинг саломин айтиб  
Синчалаклар кезар — жарчилар.

Увададай тўзиб бормоқда  
Тоғлар оша ҳорғин булутлар.  
Болакайлар варрак учириб  
Гулбаҳорни олқишлар, қутлар.

1981

## БОЙЧЕЧАК

— Ҳой, чечак,  
Бойчечак!  
Яшнаб кетди қир таги.  
Қуёшмисан қирдаги?  
— Биз офтобнинг парчаси?  
Очиб ернинг дарчасин  
Шу тупроққа бойландик,  
Бойчечакка айландик,  
— Ҳой, чечак,  
Бойчечак!  
Қараб оёқ остини  
Ростини айт, ростини?  
— Кутиб сени, баҳорни  
Ва бегубор наҳорни  
Саргайиб кетди рангим,  
— Сўзларингга ишондим:  
Баҳордан элчи-чечак  
Раҳмат сенга, бойчечак.

1981



## СУВЧУМЧУҚ

Кўклам кезар юртимда,  
Қуёш нури — зар қатим.  
Қизиб қушлар бозори  
Куй сеҳрини пайқадим.  
Тоғ дарёсин ёқалаб  
Жой танлади сувчумчуқ.  
Майна каби тадбиркор,  
Ўта чаққон, қув чумчуқ.  
Тол чивиқнинг учига  
Оқ тивитни эшади.  
Бу уяни на ёмғир:  
На дўл уриб тешади.  
Ёйкамалак тол шохи,  
Ин илондан бехатар.  
Алла айтар шаршара,  
Шамол уни тебратар.  
Қалдирғоч ҳам тан берар.  
Унинг маҳоратига.  
Кўриб қолса одамни  
Шўнғир сувнинг қатига.  
— Аввал бу қуш эл ичра  
Яшаган, — дер бобомлар.  
Тузоқ қўйиб уларга  
Бездирган-чун одамлар,  
Учиб кетган бош олиб,  
Тоғли, пана жойларга.  
Куйга солиб дардини,  
Айтар эмиш сойларга.

1984

## ҲАЙИНЧАЛАК

Ҳар кунгидан бугун мен  
Хурсандман рости.  
Акам олма бутоғига  
Арқонни осди.  
Тахта қўйиб: — Ғтир, — дер, —  
Ҳайинчалакка.  
Завқим ошар учган сари  
Осмон фалакка.  
Бирга учар ўртоқларим,  
Ҳулкар, Шоҳида.  
Пишган олма тўпиллаб  
Тушар гоҳида.  
Гулчеҳра ҳам учаяпти,  
Ойбек, қарагин.  
Чарчаш нима билмайди.  
Ҳайинчалагим...

1963

## ОЛМОС ҚАЛАМ

Қолди бирдан гулдираб  
Кўкда момогулдирак.  
Она товуқ жўжасин  
Бошлаб қочди чулдираб.

Ёмгир ерни ийдирар,  
Яшил чакмон кийдирар.  
Эски тандир остида  
Қора кучук дилдирар.

Яшин — осмон оҳими,  
Чақмоқ гоҳи-гоҳими?  
Чизар олмос қаламда  
Нурдан кийик шохини.

1980

## КИЧИК АНСАМБЛЬ

Борганмисиз яслимизга,  
Биз шу ўлка — наслимиз-да,  
Ўйин-кулги асли бизда,  
Рубобчимиз Расул, Ваққос.

Бари тенгдош, жажжи ёшлар,  
Хол доира чала бошлар.  
Саид найни эшиб ташлар,  
Ёқут, Дилдор — уста раққос.

Бизнинг кичик ансамблдан  
Ҳамма мамнун, хурсанд дилдан.  
Томошага келинг илдам,  
Жой етишмай қолар паққос.

Ўйинчоқ кўп, жуда сархил,  
Миллатимиз, тўғри, ҳар хил.  
Қадрдонмиз иноқ, аҳил  
Бу дўстликка йўқдир таққос.

1962





## ЭСКИ ТЕГИРМОН

Тегирмончи Ғойиббой отани эслаб

Тегирмоннинг дўли бўшаб,  
Ғойиб тога най чалса,  
Чиқиб олиб дўнгликка.  
Уни пайдар-пай чалса,  
Ялангоёқ Сойгузарга  
Чопар эдик, елардик,  
Халта, хуржун елкада,  
Зум ўтмайин келардик.  
Кўноқ, тариқ тансиқ эди,  
Кўзнинг оқу қораси.  
Чунки, уруш оқибатин  
Битмаганди яраси.  
Новга якин йўламасдик  
Юрагимиз дов уриб.  
Тегирмоннинг галласидан  
Қўғирмочни қовуриб,  
Ўйнар эдик оқ чурмак<sup>1</sup>.  
Чарчаб, ҳолдан кетгунча.  
Кунлар тунга уланарди  
Бизга навбат етгунча.  
У кунларнинг хотираси  
Дилда қолди сақланиб.  
Энди бўлса дўконларда  
Унлар ётар тахланиб.  
Бир маҳаллар тўрт қишлоқни  
Бсққан ўша тегирмон.  
Ҳозир создир ўтиб қолсам,  
Аста бошим эгурман...

1968

---

<sup>1</sup> Оқ чурмак — ўйиннинг бир тури.

## ТУРНАЛАР

Уч бурчакли хат мисол  
Парвоз этар турналар.  
— Аргимчогин не учун  
Узмай кетар турналар?

«Аргамчига қил қувват»,  
Элдан қолган нақлдир.  
Ука, билсанг турналар  
Ана шундай аҳилдир.

1981

## ДУР СОЧИЛДИ ТОҒЛАРГА

Булут қоплаб бирданига  
Тинди шамол ғир-ғири.  
Майсаларга тақди сирга  
Илк баҳорнинг ёмғири.  
Авжга чиқди ёмғир чунон,  
Булут гўё сим элак.  
Тўлиб-тошди Гулнорахон  
Тарновга қўйган челак.  
Ҳалқобланди оёқ ости,  
Дур сочилди тоғларга.  
Қуёш кейин дазмол босди  
Дала, адир, боғларга.

1967.

## **ОНАМ ЁПГАН ПАТИРДЕК**

Бугун яна қўлимда  
Отамдан қолган чалги,  
Гул тўшалар йўлимга,  
Ишлайман бошни тангиб.

Ялпиз ҳиди атирдек  
Димоғимга урилар.  
Онам ёпган патирдек  
Қуёш тоғдан кўринар.

1982

## **ТЕМИРЧИ БИЛАН ДЕҲҚОН**

Тиним билмас болгаю сандон,  
Уста тонгдан кетмонни пешлар.  
Деҳқоннинг ҳам қувончи чандон,  
Қизиб кетди далада ишлар.

Пешанадан тер оқар маржон,  
Бобом уруғ сепар этаклаб.  
Азал шундай темирчи, деҳқон  
Гул баҳорни келар етаклаб.

1967

## ЖАЛА ЁҒДИ

Куннинг ранги-қути ўчиб,  
Бўзбу тоғдан булут кўчиб,  
Тўрғай учиб, каклик чўчиб,  
Дўл аралаш жала ёғди.

Тентаксойга туман инди,  
Бир соатга етмай тинди.  
Зар камалак тоққа минди,  
Минг афсуски, чала ёғди.

1969



## ЧИЛЛА ЧИҚИБ

Қиш аёзи тобида,  
Қор эринмай бўралар.  
Шох-шабба орасидан  
Овчи сергак мўралар.

Эман барги товуснинг  
Қуйруғидай серҳашам,  
Кийик юрган сўқмоқлар —  
Қирда йўл-йўл беқасам.

Айиқ горга йўл олди,  
Пиймасини ивитган.  
Қуён пўстин тикибди  
Ўзига оқ тивитдан.

Яшил тароқ арчалар  
Кенг ёзиб қулочини,  
Эринмасдан шамолнинг  
Тарар пахмоқ сочини.

Чилла чиқиб, бурнидан —  
Сув оқади «қор одам».  
Кўк сомса илинжида  
Февраль ўтди ордан.

1983

## ЎРМОНДА

Қизилунгур ўрмони  
Соя-салқин, осуда,  
Хандон писта тергани  
Чиққан эди Маъсуда.  
Аммо қизча беҳабар  
Ўрмондаги бир ишдан.  
Дарахтни тақ-тақ чертиб  
Тўхтатди қизилиштон.  
Шохда қатор турли қуш:  
Читтак, чумчуқ — бошқалар.  
Саъва сайрар, қизилиштон  
Томошани бошқарар.  
Қарга эса ҳар замон  
Бонг уради «қағ» этиб.  
Куйчи булбул чах-чахлар  
Қушлар кўнглин чоғ этиб.  
Олмахон-чи, хотиржам  
Ёнгоқ чақар булоқда.  
Жим бўл деб тақиллатар  
Қизилиштон шу чоғда.  
Маъсудахон қушларга  
Лол қолганча боқарди.  
Булбул, саъва навоси  
Ўрмон бўйлаб оқарди.

## «СЕҲРЛИ» ҲАССА

Гултепа қишлоғида  
Тарқалди шундай миш-миш:  
«Мамарозиқ отада  
Сеҳрли ҳасса бормиш».  
— Йўғ-е! Қўй-чи! Кўрдингми?  
— Ишонмасанг бор, агар...  
— Балки Ибн Хаттобдай  
Бўлса бордир бозунгар.<sup>1</sup>  
Куйиб-пишар Олимжон:  
— Биласанми, у ҳасса  
Йўлга тушган пахтани  
Шиппа теради, босса.  
Лол ва ҳайрон болалар  
Сирли ҳасса кучига,  
— Ё магнит ўрнатганми  
Ўша ҳасса учига?  
— Пахтани тортмас магнит,  
Эсинг борми, Мирвосил?  
Шу пайт кўзга кўринди  
Розиқ бобо қораси.  
Тракторлар чопқиллар,  
Тележкалар шатакда,  
Чол эса ҳасса билан  
Пахта солар этакка.  
Мирвосил эса сергак,  
Кузатар қайтиб-қайтиб.  
Ота таёқ сеҳрини  
Яширмай берди айтиб;  
— Мана, ҳасса учига  
Ўрнатдим уйғоқ тикан.  
Йўлга тушган пахтани  
Магнитдай тортар экан.

---

<sup>1</sup> Сеҳргар, кўзбойловчи.

Наҳот пахта теримдан  
Четда турса кексалар.  
Тома-тома кўл бўлиб  
Улкан хирмон юксалар.

1986 ,

### ҚАЛДИРҒОЧ

Эрта баҳор қўниб олиб  
Уйимизнинг шифтига.  
Сайраб қолар пешхарини  
Кўтарганча кифтида.

Сўнг қайрилма қанотида  
Кенг фазони қайчилаб,  
Ин қургани киришади  
Тумшуғида лой чилаб.

Серҳафсала деган гап  
Шу қушчага даҳлдор.  
Баъзан унинг уйини  
Бузадиган баҳил бор.

1982



## ОҚИЗОҚ

Совгасин эҳтиётлаб  
Гулнора Нодир, Башар  
Тугилган куни билан  
Алишерни қутлашар.

Қўлдош ака ўғлига  
Гулдор пайпоқ, шар олди.  
Бувиси сомса ёпиб  
Меҳмон кутди, қувонди.

Болакайлар зум ўтмай  
Югуриб ким ўзарга,  
Қувлашиб бир-бирини  
Чиқиб кетди гузарга.

Роса ҳорди тўртовлон  
Беркинмачоқ ўйнашиб.  
Сўнг оқизоқ қилишди  
Чопиб, анҳор бўйлашиб.

Елиб борар шамолда  
Қогоз қайиқ қалтираб.  
Шарлар эса сакрайди,  
Кун тигида ялтираб.

Дўппи худди кемадай  
Сувда оқар лимиллаб.  
Чўкиб кетди хўрозқанд,  
Пайпоқ сузар имиллаб.

Ўйнамаган бунчалик  
Нодир, Гулнор — эҳ эссиз,  
Уйга қайтди Алишер.  
Оёқяланг, дўпписиз.

1982

## ДАЗМОЛ

— Буви, нега пешонангиз  
Ажин босиб, тиришган?  
Сабабини айтинг ёки  
Хафамисиз бир ишдан?  
Бунга Зеби холанинг  
Қистаб кетди кулгиси.  
— Эркатоим, бу ажин,  
Қариганлик, белгиси,  
— Ҳалиги-чи, — деб Акмал  
Сўзни баён этади. —  
Дазмол босиб олсангиз  
Текис бўлиб кетади.

1963

## ҲАДДИДАН ОШДИ

Авазбекнинг эчкиси  
Жуда ўжар, шўх эди.  
Соқоли бўлса ҳамки  
Лекин эси йўқ эди.  
Ямлаб гулу райҳонни  
Юргани етмагандай,  
Қаранг бунинг устига  
Дарахтни гажир тинмай.  
Дарҳол уни арқонлаб,  
Шўхлигин тийиб қўйди.  
Ҳаддидан ошган эди,  
Соқолин қийиб қўйди.

1963

## ҒУРА

Бу йил ёзда Бегижон  
Аравонда бўлганди.  
Ғурага туз сепишни  
Ўша ерда ўрганди.

У ҳар кун довуччани  
Ерди тузга ботириб.  
Саври хола набирасин,  
Уришолмас ботиниб.

Чиқиб олиб ўриikka.  
Кечга қадар тушмади.  
Тунда бирдан вой-войлаб  
У қорнини ушлади.

Токи доктор келгунча  
Уйқу, ором қаёқда?  
Роса уч кун деганда  
Зўрга турди оёққа.

Бувиси бир гап айтса,  
Беги энди «хўп» дейди.  
Ғурадан кўнгли қолган,  
Ўрикдан-чи кўп ейди...

1966

## ТАНИШУВ

Бу қишлоқнинг аслида  
Номи қизиқ — Бангилик.  
Унда ўшлик Холқосимга  
Дуч келди кўп янгилик.  
Ажабланманг, қишлоқда у  
Биринчи бор бўлиши,  
Бу ердаги болаларнинг  
Ётсирашиб кўриши  
Довдиратиб қўйди уни,  
Биринчи-да биринчи!  
— Қани, юринг, ҳой шаҳарлик.  
Даламизни кўринг-чи.  
Қамиш чайла ҳандалакдан  
Шарбат томар чакиллаб.  
Беихтиёр «оҳ-оҳ» дейсиз,  
Томоғингиз тақиллаб.  
Йўл четида машиналар  
Саф тортишган тизилиб.  
Бир чеккадан қовун-тарвуз.  
Юкланмоқда узилиб.  
Демак булар жўнатилар  
Магадан, Сибирь томон.  
Қадоқ қўлли деҳқон бобом  
Бўлсин доим сог-омон.  
Кўз илғамас буғдойзордир  
Полизнинг бир томони.  
Комбайнлар донни янчиб  
Тойлаб борар сомонни.  
Шаҳардаги нон растаси  
Ўтди шу пайт кўзидан,  
Ризқ манбаин билмаган-чун  
Уялди ўз-ўзидан.  
Қўрадаги мол ва қўйлар,  
Қозонда мой эриши,

Дарвиш хола коса ушлаб:  
— Ич, — деб қаймоқ бериши  
Ўйлантирар — дўкон тўла  
Сут, қатиқли шишалар.  
Улар қайдан келишини  
Билмас Равшан, Мишалар.  
Беш-олти кун Бангиликда,  
Хордиқ олиб, дўст таниб,  
Холқосимжон қайтди Ўшга.  
Тўлишиб, янгиланиб...

1969

### ИНСОФИ ЙЎҚ

Бир гала чумчуқ қўнди  
Чорпоянинг рахтига.  
Қолган экан бурда нон  
Паррандалар «бахтига».

Хўроз пахса девордан  
Гердайганча ўтарди.  
Инсофи йўқ чумчуқлар  
Бирдан жанжал кўтарди.

Хўроз нонни шарт олиб,  
Қу-қуқ йўқолинг, деди.  
Жўжаларга улашиб,  
Сиз иноқ бўлинг, деди.

1978

## ВАЪДА БЕРДИ

Анжар жуда тегажоқ,  
Узма десанг, ҳой гулни.  
Қулоқ солмай, сув сочиб,  
Йиғлатади Ойгулни.

Териб қўйган ўсмани,  
Тепкилаб қилди пайҳон.  
Ҳой эси йўқ, деб қўйиб  
Балога қолди Ойхон.

Бир кун қизлар Анварни  
Олиб қолди ўртага.  
Ҳаддан ошиб кетганди,  
Сиз ўйламанг жўрттага.

Қўлга тушдингми, дея,  
Ойгул чўзди қулогидан.  
Ойхон эса чимчилаб  
Олди уёқ-буёгидан.

Таъзирини еб Анвар,  
Ваъда берди қизларга.  
— Энди озор бермайман  
Бундан буён Сизларга.

1982

## КЕЧИРАСИЗ

Олис ернинг иши оғир,  
Уйга қилсам қўнгироқ,  
Телефонни олар қизим,  
Ўзга чора йўқ бироқ.

— Салом!

— Салом!

Сўзлаб кетар  
Қандай ўқиётганин,  
Қўшни «бола» хом гилосга  
Тошу, кесак отганин.

— Эсингиздан чиқмадими

Туғилган куним, дада?

— Ёдимда бор, шакар қизим,

— Унутганим йўқ, ҳа-да!..

— Олиб келинг туфли, пайпоқ,

Кейин рангли қаламдан.

Ўртоқларим кўргач уни

Ичи куйсин аламдан.

Ҳалиги-чи, атлас кўйлак

Менга роса ярашар.

— Ойинг қайда?

— Бувим билан

Тандирга ўт қалашар.

Телефонист дер: Оз қолди,

Беш минутлик нақдингиз.

— Алло! Алло!

Кечирасиз.

Тамом бўлди вақтингиз...

1968

## ЖИРАФАНИНГ КЎЙЛАГИ

Зебранинг уст-бошига  
Кўплар ҳайрон қолишди.  
Шундай йўл-йўл матодан  
Йўлбарсга ҳам олишди.  
Буни кўргач Жирафа  
Ичи куйди, тошиқди.  
Кенгуру чевар эди,  
Шуникига ошиқди.  
— Хуш келибсиз, огайни,  
Хизмат бўлса айтингиз,  
Соз кийиниб, қоматни  
Кўз-кўз қилар пайтингиз.  
Тирав қўйиб шотини  
Жирафанинг бўйнига.  
Улчаб бўлиб қайчини  
Солар экан қўйнига.  
Бор матони кўрсатиб  
Жирафага тутуди:  
— Сал қимматроқ, лекин сизга  
Ун беш метр етади.  
Сабаби бўйнингизга  
Тенг ярмиси кетади.  
Бир метрга қолганда  
Чидамади Жирафа.  
Буюртма битди, аммо,  
Кенгурудан у хафа.  
Тўғри, уни кўрганда  
Ҳавас билан боқасиз.  
Лекин унинг кўйлаги  
Тикилган-да ёқасиз...



## ЎЗИМИЗНИНГ ЧУМОЛИ

Тургунбой ҳам лагерга  
Қолди бироз ўрганиб.  
Бугун эса бобоси  
Келди уни кўргани.  
Набирасин бағрига  
Босар экан ачомлаб,  
Тургунбой сўраб қолди:  
— Соғ-омонми ачамлар?  
— Яхши, бўтам, — деб эркалаб  
Саксон ота Тургунни,  
Аргумоқнинг устидан,  
Шахдам олиб хуржунни  
Дастурхонга қўяркан  
Узум, олма, пишлоқдан.  
Бир чумоли мева билан  
Бирга кепти қишлоқдан.  
Ҳайрон қолди болалар,  
Чол жилмайди тин олиб.  
Тургун қувнаб дейди: — Бу  
Ўзимизнинг чумоли...

1984

## ҲАР ТҶКИСДА БИР АЙБ

Қумурсқанинг товони йўқ.  
Ниначининг қулоғи.  
Соқол билан туғилар  
Эчкиларнинг улоғи.

Беумуртқа майқўнгиз,  
Илон қўлсиз, оёқсиз.  
Нима кечар дарахтлар —  
Бўлса рангсиз, бўёқсиз?

Асалари не учун  
Чақиб ўзи ўлади?  
Қизиқ, нега чувалчанг  
Икки бошли бўлади?

Жумбоқларнинг сўнгги йўқ,  
Ҳайрон бўлманг ҳалитдан.  
Пухта ўқиб уларга  
Топажаксиз калит ҳам...

1983

## БАҲС

Қўйни қўшиб подага,  
Миниб олиб ходага.  
Санжар, Ашур,  
Баҳслашур:  
— Ин солишда қарқуноқ  
Чумчук, Читтакдан нўноқ.  
— Нор тоғамнинг сўзича  
Энг дангаса мусича.  
— Йўқ, қарқуноқ.  
— Йўқ, мусича.  
— Сен билмайсан,  
Ўйла пича.  
— Нега билмай?  
Ахир, шошма:  
— Ўпкангни бос!  
— Ҳаддан ошма!  
Шу пайт хода қарс синиб  
Узилди баҳс-тортишув.  
Аранг чиқди анҳордан  
Бир-бирини тортишиб...

1981

## С И Н О В

Содиқ, Саттор ва Собир  
Ўтин тергани борди.  
Уларни-чи, рости гап,  
Рузвон хола юборди.

Собир терди хурумпақ<sup>1</sup>  
Лойиқ эмас ўтинга.  
Буруқсиб ёнар, мўркон ҳам  
Тўлар қурум, тутунга.

Бурган ўрди Сатторжон,  
Юргани йўқ лақиллаб.  
Шувоқ чопди Мирсодиқ,  
Қумгон қайнар вақиллаб.

Қаранг, Рузвон холамнинг  
Тўғри чиқди тахмини.  
Синаб кўрди шу тарзда  
Набиралар фаҳмини...

1981

---

<sup>1</sup> Хурумпақ — ўтиннинг бир тури.

## ЎРГАТЯПМАН

Чий-чийлашиб жўжалар  
Бедазорга қочар кириб.  
Кучук эса уларни  
Тинмай қувлар айлантириб.  
Мушук сўраб қолди итдан:  
— Аввал бизга мазайди  
Сен келдинг-у, жўжалар  
Кундан-кунга озайди.  
— Ахир, мен бошқалардай  
Дайдиб юрмай кўчаларда.  
Тулкига чап беришни  
Ўргатяпман жўжаларга...

1983

## БОҒЧАДА

Юлдуз сўзлар уқтирио;  
— Мен болалар дўхтири.  
Иситмангиз йўқ унча,  
Дор❦ ичманг бугунча.  
Поезд ҳайдар Қаҳрамон,  
Кўплар ундан баҳраманд.  
— Юкларни ортинг, иш кўп.  
Тақ-тақ, пиш-хўп, пиш-хўп.  
Нигоранинг йўқ тинчи,  
Бугун у магазинчи.  
— Сен ким бўласан, Наргиз?  
— Хавотир олманг ҳаргиз?  
Мен каттайсам албатта,  
Наргиз бўламан.  
Наргиз!..

1983

## ЛАҚМА ЧУМЧУҚЛАР

Айвондаги хонтахтага  
Бир тўп чумчуқ қўнди шошиб.  
Ўз тилида суҳбатлашар  
Чам-чам, чам-чам, чам-чамлашиб.  
Хонтахтада шиша банка,  
Гурунчи бор ярим-ёрти.  
Бир ёнида никель чойнак,  
Ҳеч вақо йўқ ундан ортиқ.  
Олис кетмай хонтахтадан  
Нари-бери ўтишади.  
Ялтираган бўш чойнакни  
Нега ҳадеб чўқишади?  
Шишадаги гурунч акси  
Чойнак узра ўтган экан,  
Текин доннинг хушхабари,  
Чумчуқларга етган экан.  
Зўр беришиб чўқиб, донлаб,  
Ўзларича яйрашади.  
Никель чойнак атрофида  
Тумшуқларин қайрашади..

1983

## БҮКИБ ҚОЛГАН

— Ким биринчи топади,  
От нимага ётади?  
— Балки чарчаб қолгандир,  
Шунга ётиб олгандир.  
— Бўкиб қолган, — дер, Эгам. —  
Ем-хашакдан кўп еган.  
Дилфуза сўзлар: — Наҳот?  
Сизга айтсам ўша от  
Ўтиришни билмайди.  
Гулшан момо: — Балли! — деб  
Зимдан бокиб жилмайди.

1983

## БЕНЗИНИМ ЙҮҚ

Совгасини этаклаб,  
Боласини етаклаб  
Кетиб борар Кенгуру,  
Тўйга айтган тенгқури.  
Бормаса бўлмас, чунки  
Зориқиб кутар Тулки  
У адирдан ўтганда,  
Қамишзорга етганда,  
Самолётдек гувиллаб,  
Ўтди лайлак зувиллаб.  
Илон овлаш кўйида,  
Қўнди қўлнинг бўйига.  
Кенгуру аста борди  
Ва Лайлакка ёлборди:  
— Қойил саман отингга,

Бизни самолётингда  
Етказиб қўйгин, дўстим,  
Ҳақиға берай пўстин.  
— Бензиним йўқ-да, ошна,

1984

## ХАЙРЛАШМАЙ

Толнинг барги сувга тушиб  
Қайиқ бўлди.  
Бу айниқса қумурсқага  
Лойиқ бўлди.  
Қўш қиргоқни тўлқин ялаб,  
Кўкка сапчир,  
Эшкакни-чи ўзи якка  
Эшар абжир.  
Тенг-тушлари қолди гап-сўз  
Тайинлашмай.  
Қумурсқа ҳам жўнаб кетди.  
Хайрлашмай...

1984



## ҚУТУЛИБ КЕТДИ ЯНА

Заргалдоқни, Пўпишакни тўплашиб,  
Читтак, Чумчуқ уюштириб, кўплашиб  
Суд қилишди бугун Олақаргани.  
Қилмишидан у тонарди қарганиб!

— Пишлоқ, қурт ташибсан-ку чордоқдан!  
— Яна ёнгоқ ўмарибсан чорбоғдан!  
Дўқ уради Қизилиштон койиниб.  
Уй-жойингни борми ўзи тайини?  
— Бўйнингга ол, ҳой, қушларнинг тентаги!

— Йўқ-ку, ахир камзулимнинг чўнтаги,  
Ёнгоқ билан қурут сигмас қўйнимга,  
Қани гувоҳ? Қўйиб беринг бўйнимга?  
Чумчуқ, Читтак қолди гапдан тутилиб,  
Олақарга кетди яна қутулиб...

1982

## ОҚ БУЛУТ

Оппоқ булут, оқ булут,  
Тоғ бағрига оғ, булут.  
«Оқ олтин»ни тергунча  
Энди камроқ ёғ, булут.  
Оппоқ булут, оқ булут,  
Этагингни қоқ, булут.  
Ўз тўпингдан айрилиб,  
Қолма танҳо, тоқ, булут.  
Пахтадайин оқ булут,  
Осмонга арқоқ булут.  
Савачўп урса ойим,  
Бўласан тарқоқ булут.

Оппоқ булут, оқ булут,  
Тоғ бағрига оғ, булут.  
То тергунча пахтани  
Энди камроқ ёғ, булут.

1983

## У Л Ж А

Қорни очиб, гезариб,  
Ранги-рўйи бўзариб  
Сичқон кирди тешикдан,  
(Балки олдин эшитган),  
Шундоқ қўшни омборда  
Донга тўла қоп бор-да.  
Челақларда пишлоқ, мой,  
Кўплар билмас ҳойнаҳой.  
Татиб кўрди бир бошдан  
Буғдой, макка ва мошдан  
Қорни тўйиб кекириб,  
Шод бўлиб, томоқ қириб  
Яқин келди эшикка,  
Сигмай қолди тешикка.  
Ўлжа бўлди шу маҳал  
Шоп мўйловли мушукка...

1983

## «Ш» БИЛАН «Ч»

«Арра», «Карра» сўзларини  
Бурро айтар укам Ботир.  
«Ш» билан «Ч» ҳарфларига  
Бир оз тили келмаётир.  
— «Пишлоқ едим қишлоқда,  
Шермат юрар «Чайка» да.  
— Пислоқ едим қислоқда,  
Сермат юрар «Сайка»да.  
— Чиноранинг чинниси бор,  
Чиннисида шинниси бор.  
— Синоранинг синниси бор,  
Синнисида синниси бор.  
Ана шундай жумлаларни  
Сал қийналиб айтар Ботир.  
Лекин, жуда машқи баланд  
Олманг ундан хавотир.

1984

## ЧУМОЛИЛАР АРЗИ

Кўпдан буён чумолилар  
Ҳайрон қолар Эргашга.  
Тоқатлари тоқ бўлиб  
Тўғри келди тергашга:  
— Чойни ичгач, дастурхонни,  
Йиғиштирмас, ўрамас.  
Ҳар қадамда нон ушоғи,  
Кўр десак, у кўр эмас.  
Биз-ку деҳқон меҳнатига,  
Ҳамиша тан берамиз.  
Эргаш тўккан нон ушоғин  
Қачонгача терамиз?!

1983

## ШОШМАЙ ТУР

Қир-адирлар эгнида  
Бобомнинг оқ яктаги.  
Сирганишга бош бўпти  
Дўнгтепанинг таг-таги.

Хуштак чалар изгирин,  
Дов-дарахтлар булдуруқ.  
Деразага қорбобо  
Сурат чизган кулдириб.

Бутун бошлиқ ўрмонни  
Ойнакка қўйган жойлаб.  
Тулки пишлоқ есам деб  
Қаргани турар пойлаб.

Тўқайзорнинг четида  
Қўш тегирмон, таниш қир.  
Қуён жуфтак ростлади,  
Қувиб боради Қашқир.

Лақма бўри, шошмай тур,  
Ўз бошинга етасан.  
Қуёш чиқса ҳолинг вой,  
Зумда эриб кетасан.

1983

## КАПАДА

Санжар бобоси билан  
Қовун пойлар қапада.  
Кўкда юлдуз маржони,  
Ғир-ғир эсар шабада.  
Набираси бидиллаб,  
Чолни тутар сўроққа.  
Ярми кемтик ой чиқди  
Ўхшаб олтин ўроққа.  
— Бобо, қаранг, тунов куни  
Бутунгина ой эди.  
Биров уни синдириб,  
Қўйганми деб, койиди...

1982

## ПАШША

Ўрин билан Мираббос  
Сумалак ялашарди.  
Бир пашша ғашга тегиб  
Ширани талашарди.

Хира пашша қувганга  
На унади, на кўнди.  
Бирдан у Ўринбойнинг  
Бурнига келиб қўнди...

Мираббос кўзни қисиб,  
— Шошма, — деди Ўринга.  
Қаранг, ҳаш-паш дегунча.  
Бир муштлади бурунга.

Пашша-ку тутқич бермай  
Учиб кетди зингиллаб.  
Ўриннинг бурни қонаб,  
Йиглар эди мингиллаб...

1970

## ҲАЛИ ЕШ-ДА...

— Доскага чиқ, Мукамбар,  
Бўрни ол-чи, хўш қани.  
Битта мисол ишлаймиз,  
Учга учни қўш, қани?

Лекин оддий мисолни  
Ечолмади Мукамбар.  
Содиқ ака сўраб қолди,  
— Айт-чи, қанча уканг бор?

— Олтита  
— Улар бирдан конфет еса,  
Бўлар нечта?  
— Бешта.

— Ҳеч-да!  
Шошилмасдан ўйла бошда.  
— Битта укам конфет емас,  
Ҳали ёш-да...

1980

## ТУГАБ ҚОЛДИ...

Мурод билан  
Бирга биз,  
Борган эдик  
«Тир»га биз.  
Отиб кўрсам,  
Тулкига.  
Тегмай,  
                    қолдим  
Кулгига,  
Мўлжал  
                    олсам,  
Мушукка.  
Ўқ санчилди  
Эшикка.  
Доирада  
Жўн рақам.  
ЕТТИ, саккиз,

Ўн рақам.  
Уролмадим  
Битта ҳам.  
Четга қочар  
Муттаҳам.  
Ёнлаб ўтар  
Чизигин.  
Авжи ўйин,  
Қизиги.  
Тугаб қолди,  
Тангамиз.  
Берган эди.  
Янгамиз  
Совун билан  
Ғалтакка.  
Қолар бўлдик  
Калтакка.

1981



## МАҚТАНЧОҚ ЧУМОЛИ

Ўқ ариқдан  
Чим олиниб,  
Ини кўчди  
Чумолини.  
Уймалашиб  
Ҳайрон боқди.  
Беш-ўнтаси  
Сувда оқди.  
Бир чумоли,  
Шу пайт  
                    қаранг  
Чиқиб олди  
Тошга аранг.  
Қўл-оёғи  
Қалтирайди.

Кўзи тиниб,  
Жавдирайди.  
Тол чивиғи  
Бўлди нарвон.  
Ўтиб олгач,  
У беармон  
Бошқаларга  
Мақтанди хўп:  
— Орамизда  
Қўрқоқлар  
                    кўп,  
Ўрнак олса,  
Бўлар мандан.  
Сузиб ўтдим  
Океандан...





## ОВДА

Боққан эдик ёзи билан,  
Овга чиқдик този билан,

Оқ либосда дала-адир,  
Таёқ ушлаб борар Қодир.

Ол, кетди деб қолди бирдан,  
Итим чоғиб ўтди қирдан.

Менга сапчиб ҳурар този,  
«Ўлжа» билан турар този.

Бориб кўрсак яқинига,  
Эски пўстак тақимида...

1965

## МУЗИКА ДАРСИ

Ака ҳар кун боғ оралаб ўтасиз,  
Қушлар сайрар янглишмасдан нотасиз,  
Нағма чалар Саъваю Олаҳакка.  
Ё улар ҳам қатнарни тўгаракка?  
— Билиб олгин, буни синглим Равшангул,  
Шу қушларнинг ўзи битта ансамбль.  
Загизгоннинг хонишига бағи жўр,  
Қора камзул кийган қарга дирижёр.  
Майна бўлса тонгда нафис куй чалар,  
Бу хонишлар завқли эрур қанчалар  
Қизилиштон чертар тинмай ногора  
Булбул эса дарс ўқитар боғ аро.

1977

Олаҳакка,  
Қўниминг йўқ.  
Ишинг чакки  
Унуминг йўқ.

Қўйганинг йўқ  
Томда ўрик.  
Холам хафа  
Буни кўриб.

Шохдан-  
                  шоҳга  
Сакраб шу  
                  тоб.

Ҳаддан ошиб  
Кетма дейман,  
Ўз бошингга  
Етма дейман.

Олиб қочдинг  
Ёнгоқ, қуртоб.

1969

## ҚИРҒОВУЛ

— Паррандалар ичида  
Тез учари қирғовул.  
Нима учун, Шокиржон,  
Меҳр қўйган қирга ул?!

— Қирғовулнинг парвози,  
Боқмагани боқтирар  
У қирлардай поёнсиз,  
Кенг оламини ёқтирар.

1961

## МАҚТАНЧОҚ

Қора қурум карнайга  
Уя қурди чуғурчиқ.  
Кўринганга мақтанар:  
— Уйимни кўр, югур, чиқ.

Доим шошиб иш тутар,  
Ўйлаб-нетмай кетини.  
Айтинг, энди ким ювар,  
Қурум босган бетини?..

1975

## ЧАҚИМЧИНИНГ ЖАЗОСИ

Синчалак билан Читтак,  
Яшарди иноқ, аҳил.  
Ташвишга қўйди қиттак —  
Уларни чумчуқ баҳил.  
Ҳасади ҳаддан ошиб  
У ён-бу ён чопарди.  
Ва ўртада гап ташиб,  
Шундан лаззат топарди...  
Бировга чуқур ўйган  
Чумчуқ макри билинди.  
Мансуржон дўнгга қўйган  
Пат тузоққа илинди.

1977,

## ҚАЙНОҚ ЭКАН...

— Қутлуғ бұлсин янги маскан,  
Қушларжон, қушлар.

— Раҳмат! Раҳмат!

— Содиқ толга инлар осган  
Кўнглингиз ҳушлаб.

— Раҳмат! Раҳмат!

Дон-дунларни кўрдик баҳам,  
Қаймоқ экан.

Меҳрингиз-чи, офтобдан ҳам  
Қайноқ экан...

1974

## СУВ ИЛОН

Сув илон,

Қув илон

Билтонглаб сузиб келди,  
Тинчликни бузиб келди.

Полапонга ўч эди,

Ҳамма ундан чўчиди.

Инга отди ўзини,

Қушлар ўйди кўзини.

Сен ундан қўрқма, Ҳотам

Ҳаётда учрар зотан.

Қалби нопок бегумон,

Иприсқи, шундай илон...

1977

## САЙР

«Сочи» деган корабль.  
Йўлга тушди, қара, бил,  
Соҳил гўё қизил ип,  
Палубага тизилиб  
Нон ташладик дельфинга,  
Юввош, жуда эркин-да,  
Чағалайлар тўш урар  
Биласизми, хўш, улар  
Човут солиб балиққа,  
Ютишар лиққа-лиққа.  
Биз беш соат мобайни,  
Сайр қилиб, оғайни,  
Қайтдик Ялта портига,  
Қора денгиз ортига.

1971



## БАЛИҚЧИ ҚУШ

Денгиз сокин чайқалар,  
1 Шу пайт бирдан чайкалар<sup>1</sup>  
Учиб келди қиргоққа,  
Одамлар гавжум ёққа.  
2 Бирор хавфни сезгандай  
Ё инидан безгандай  
Чагиллашди бир муддат,  
Қагиллашди бир муддат.  
Ажабланар ҳам одам,  
Қўп ўтмайин орадан  
Уфқ аста қорайди,  
Гўё осмон торайди.  
Кейин 3 бўрон уфурди,  
Жала қуйди, қутурди.  
Тўлқин сапчир харсиллаб,  
4 Дарахт синди қарсиллаб.  
Шу куни тонгга яқин,  
Тинди ёмғир ва чақин.  
Бизларни этиб огоҳ,  
Эркин учар чайкалар,  
Денгиз юввош чайқалар.5

---

<sup>1</sup> Ч а й к а — чағалай, балиқчи қуш.

## КЕТМАСАЙДИ ГАП ТАРАБ...

Сўз етмайди  
Таърифга  
Шариф тоға,  
Орифга  
Совга қилди,  
Зўр қовоқ.  
Беданали —  
Тўрқовоқ.  
Осдик беҳи  
Шоҳига.  
Мамнун  
Талъат,  
Шоҳида.  
Кўниб қолди  
Шаҳарга.  
Сайрар ҳар  
кун  
Саҳарда.  
— Бу қовоққа,  
Бедана.  
Ҳеч ярашмас  
Бегона.  
Дея акам,  
Элтурди,  
Темир қафас  
Келтирди.  
Янги уйга  
Кўчирдик.  
Аммо қушча  
Чўчирди.  
Худди ўша  
Нафасда  
Қаранг темир  
Қафасда,

Қаддин  
ростлаб,  
Туролмай,  
Сирганарди  
Юролмай.  
Ужарлигин  
Билдирди.  
Сўнг ойнани  
Синдирди.  
Бизни хафа,  
Хит қилиб,  
Демай қўйди,  
Бит-билдиқ.  
Отам эса,  
Койиди:  
— Унга  
сирдош,  
Жой эди.  
Уғлим, бу  
жўр,  
Майнамас.  
У қафасда  
Сайрамас.  
Кейин билсак,  
Тўрқовоқ —  
Экан жуда  
Зўр қовоқ.  
Кетмасайди  
Гап тараб,  
Гап тараб...  
Так-тарак...  
Так-тарак...

1975

## ҚЎБИЗ ТИНГЛАБ...

Қўбиз чертар Нурали,  
Бастакор, жуда уста.  
...Сўқмоқ йўлдай буралиб  
Тутун ўрлар оҳиста.

Тўргай унга ҳамоҳанг  
Кўк тоқида чулдираб.  
Табиатда ўзга ранг,  
Тинди момогулдирак.

Деҳқон ерга гиргиттон  
Дон тозалар парогда<sup>1</sup>.  
Тулки чўчиб бургутдан  
Қочар кўзи алағда.

Ин излайди кўктурна,  
Жўр беркинар шувоққа.  
Отда чакмон бўктирма,  
Кимдир шошар улоққа.

Тиниб кетди чуғурчиқ,  
Балки оҳанг эшитар.  
Онам-чи, қўлда урчуқ,  
Хуржунга ип пишитар.

Тоғда қор ола чалпоқ,  
Гўё ёстиқ қуроғи.  
Чунки кийган оқ қалпоқ,  
Анқир арча буроғи<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Парог — Катта ғалвир.

<sup>2</sup> Буроқ — Арча ҳиди.



Қўбиз тинди. Мен шу чоқ,  
Олқишладим сўнгги дам.  
Куй бўлиб она қишлоқ,  
Ўтди кўзим ўнгидан...





## ЛАГЕРДА

«Дўстлик» деган лагеримиз,  
Ўнгор тоғнинг пойида.  
Дам олгани келинг, дўстлар,  
Авжи таътил ойида.

Мовий Заркенъ сув омбори,  
Бамисоли зар коса.  
Походлардан қайтган чоғда,  
Чўмиламиз биз роса.

Ўйин-кулги, тоза ҳаво,  
Куч қўшади кучимизга.  
Баъзан ойим, укаларим  
Кириб чиқар тушимизга.

Талай дўстлар орттирдик  
Мирза, Коля ва Ботир.  
Дам олиш соз, бизлардан —  
Бўлманг сира хавотир.

## КЎКЛАМ ҚУВОНЧИ

Симда қатор  
Қалдирғочлар.  
Важир-вужур  
Суҳбат бошлар...  
— Бу йил баҳор,  
Создир, қушлар,  
Тезроқ келинг,  
Тенги-тўшлар.  
Дўстим, Лайлак.  
Билсин ҳамма.  
Деб йўллашар  
Телеграмма.  
— Ким орқали?  
— Сим орқали...

1972

## САНОЧ СОЙ

Айни июль ойидаман,  
Гўзал Саноч сойидаман.  
Сари Унгирнинг ўнг қаноти,  
Сарбағишнинг пойидаман.

Тогнинг кўрки Бурғулдак<sup>1</sup>,  
Чах-чах сайрар булбулдак.  
Осма қилиб сувтолга,  
Ин қурмоқда Ғурғулдак.<sup>2</sup>

Қўлда ҳасса — довулга,  
Қолмай жала, довулга,  
Кириб бордик оқшомда,  
Оқ ўтовли овулга...

Тўкин сарёғ, бўғирсоқ,  
— Ҳой, бурчоқ<sup>3</sup>ни қўғир, чоп.  
Талқон янчар Рўзи холам,  
Тўқиллайди ўғир соп.

---

<sup>1</sup>, <sup>2</sup> Бурғулдак, Ғурғулдак — тоғ қушлари.

<sup>3</sup> Бурчоқ — ёввойи нўхат.

## ОШХЎРАК<sup>1</sup>

Рузвон хола эчкиларни,  
Қир томонга олиб чиқди.  
Қўшни уйдан меҳмон қизча,  
Хулкар билан Толиб чиқди.

Шаҳарлик қиз Шоҳидахон,  
Қувнаб-тошар ўша онда.  
— Биласизми ўчки дейди.  
Уни бизнинг Номонгонда.

— Ача, ўчки нима ейди?  
— Яшил майса соз хўрак.  
— Белидаги халтаси-чи,  
Хўш, нима учун керак?

— Улоқ эмиб қўймасин деб  
Боглаб қўйдим ошхўрак.

## НЕГА ОҒРИМАС БОШИНГ?

— Қизилиштон, темирчига,  
Ўхшаб кетар бардошинг.  
Эртаю-кеч тўқ-тўқ қилиб  
Оғриб қолмасми бошинг?  
— Уқиб олгин гапимни,  
Олғир ҳакка қардошим.  
Касбим-корим уй қуриш,  
Демак, ҳалол нон-ошим.  
Пешона тер тўкканнинг  
Оғримас сира боши.

---

<sup>1</sup> Ош х ў р а к — пешбанд.

## ҲАСАН БОБО

Ҳасан бобо гапга чечан  
Чатиб-қўшиб айтади.  
Қўлга олиб қалпогин  
Куйлаб-жўшиб айтади:  
— Хайрият-эй, хайрият  
Нишолло бўлмаганим.  
Кунжутли қолва мисол  
Қанддонга тўлмаганим.  
Бўлсам пашмак, парварда,  
Ё қолвайтар агарда,  
Роса пашша таларди,  
Қумурсқалар яларди.  
Ҳаттоки кўз тегарди,  
Болдай эриб турсам ман.  
Ҳасан қайқи бўлганимга,  
Болаларим, хурсандман.

## ЧАҚА КЎРМА ЧАҚМОҒИНГНИ

Жаҳли чиқиб, гўлдираб,  
Кўкда момагулдирак.  
Булут билан тиллашар:  
— Ноғорамни қоқаман  
Чақмоғимни чақаман.  
Яшин мисол аскаримни,  
Жангга йўллаб лашкаримни.  
Тўзитарман ҳар томон,  
Найза, қилич тортаман.  
— Ҳой, шошмагин, акаси,  
Мунча совуқ нафасинг.  
Билсанг, мен ҳам булутман  
Қуёш юзин тўсмасдан,  
Атай тоғда турибман.

Чўчиб кетар товушингдан  
Қуш зотининг полапони.  
Янги боғча қурилмоқда,  
Ҳали унинг чала томи.  
Эй, шум така, ўпкангни бос,  
Ким шоширар, қаёққа?!  
Собиқ жангчи кетиб борар,  
Ана, қўлтиқтаёқда.  
Гумбур-гумбур садолардан,  
Юраклари бўлган зада.  
Тарқаб кетар тумтарақай,  
Яйловдаги сурув, пода.  
Яшин тегиб, теракларнинг  
Қадди-басти букилмасин.  
Янги таъмал кўчатларнинг,  
Ғунчалари тўкилмасин.  
Сал нарсага жиртак қўйиб  
Қила кўрма асло зарда.  
Чунки бизнинг маконимиз,  
Пастқам ерда, унгурларда.  
Чақмогингни чақа кўрма,  
Бевақт олов ёқа кўрма...

## ЎША КУНИ...

Рассом Шухрат Абдурашидов хотирасяга

Ҳаво айниб ўзгартирди,  
Бирдан осмон рангини.  
Бобом шоли похол билан  
Ўрар узум зангини.

Тунд одамдай кўк тоқининг,  
Қош-қовоғи осилган.  
Дала-қирлар қорга тиниқ.  
Бўшаб кузги ҳосилдан.

Туман биқсир, етмагандай  
Бир боғлам тутантириқ.  
Хазонларни гарам қилиб  
Гугурт чақди укам туриб.

Булут эриб ўт тафтида,  
Туманнинг эси оғди.  
Табиат ҳам тутиб мотам  
Шу кун эзиб ёмғир ёғди..:



## ЮЛДУЗЧА

Беш қиррали юлдузча,  
Октябрятлар нишони.  
Беш синфдош ўртоққа  
Топширилган ишониб.

Беш синфдош октябрят,  
Ҳотам, Ҳамдам, Холиқвой.  
Моҳирахон, Каромат  
Меҳнат қилар толиқмай.

Кекса-ёшга меҳрибон  
Бир-биридан аломат.  
Мактабдан сўнг пахтага,  
Йўл бошлайди Каромат.

Беш қиррали юлдузча,  
Октябрятлар нишони.  
Беш синфдош ўртоққа.  
Топширилган ишониб.

## ПИЛЛА ҚУРТИМ

Пилла қуртим:  
Тилла қуртим  
Виш-виш қилиб,  
Пиш-пиш қилиб,  
Сўкичакка  
Чиқиб якка.  
Яйраб-яшаб  
Баргдан ошаб  
Ғонга йўлаб,  
Ипак ўраб  
Товланади,  
Лов ёнади.

## ИШОНМАСАНГ...

Бир маъноли гап айтишда  
Ким тенглашар Тўланга:  
— Эгизакдир ҳар доим,  
Соя билан кўланка.  
Биласизми аслида,  
Олис жойни дер узоқ.  
Баланд ерни тепалик,  
Қопқонни — темир тузоқ.  
Қуёш — офтоб, кўча — йўл,  
Қулоқчин — телпак, тумоқ.  
Эркалатиб қуённи —  
Дейдилар шалпангқулоқ.  
Энсиз — қисқа, энли — кенг.  
Жарлик-чи — ўнгир камар.  
Тоғ ораси — қапчигай.  
Оймомо — шамсиқамар.  
Бир мазмунни англатар,  
Ченов — ўлчов — тарози  
Қолган сўзларни ёзиб  
Муаллимни қил рози.

## ХАЙРЛИ ТУН

Муҳаррамхон ўз вақтида,  
Ғашлик қилмай ухлайди.  
Бироқ тунда ойиси,  
Гоҳо койиб «уфлайди».  
Чунки унинг болиши,  
Сурилиб қолса пича.  
Уртиб қўйган кўрпаси  
Турилиб қолса пича:  
— Устим очиқ қолди деб  
Ойисини уйготар.  
Дадасининг иши йўқ,  
Бемалол хуррак отар.

## СИРПАНЧИҚ

Богчадаги	Баробар.
Сирпанчиқ	Қатор <sup>1</sup> бўлиб
Бизларга мос	Тизилиб.
Юпанчиқ.	Гоҳ «вағони»
Мен дам олай,	Узилиб.
Тур сан чиқ.	Оқшом уйга,
Собир, Садир	Қайтамиз.
Санобар	Шимнинг
Этак ушлаб,	Сузилиб... орти

---

<sup>1</sup> Қатор — поезд.

## АРҚИТДА

Қўқийбелим<sup>1</sup> ортда қолди,  
Қўниб ўтдик Арқитга.  
Табиат ҳам бу ерни  
Буркаб қўймиш бархитга.

Нор туядай лўкиллаб,  
Шошиб оқар Қапчигай.  
Бир-бирига гал бермай,  
Сайрар майна, чақчигай.<sup>2</sup>

Бурқсир арча буроғи,  
Ўрмон яшил, қир яшил.  
Суғур ухлар хотиржам,  
Юмронқозик дон ташир.

Бир бедаво шу маҳал,  
Какликларга ўқ отди.  
Ваҳший садо тинчликни —  
Ва оромни, йўқотди.

Шошиб-пишиб ўлжанинг  
Патин юлар ютоқиб.  
Тоғу-тошлар асабий,  
Арча ёнар тутоқиб...

---

<sup>1</sup> Қўқийбелим — довоннинг номи.

<sup>2</sup> Майна, чақчигай — тоғ қушлари.

## ҚИШЛОҒИМНИ СОҒИНИБ

Бултур ўғлим қишлоқдан  
Бир даста бойчечакни  
Олиб келиб экканди,  
Ўша мурғак чечакни.

Эртаю-кеч парвона,  
Қарагани-қараган.  
Сўлиб қолди негадир,  
Август ўтди орадан.

Хайриятки, бойчечак  
Енгиб довулни, қорни.  
Бу йил қийғос очилди  
Қутлаб наврўз — баҳорни.

Ўғлим силаб-сийпалаб,  
Бойчечакни ўпади.  
Менинг-чи кўз ўнгимдан  
Она қишлоқ ўтади...

1983

## КАМАЛАК

Пайдо бўлди ёй камалак  
Кўл бўйида, етти рангда.  
Етти қатим ипак мисол  
Бўлиштириб санга, манга  
Сакрамачоқ қилиб барин,  
Муҳаррамхон ўйнар тонгда.

1985

## ДОИРАЧИ

Баҳодир Иноқовга

Олинг қани,  
Чирмандани,  
Бир, икки, уч бошладик.  
Шўхроғига ташладик.  
Ғиж-банг, ғиж-банг, ғиж-банги  
Кўнглинг ёриб,  
Бўлар фориг  
Дилнинг ғубори, чанги,  
Шу тобда,  
Рубобда  
Жўр бўлади отаси.  
Завқдан ўйга ботасиз.  
Ғиж-банг, ғиж-банг, ғиж-банги.  
Бу доира жаранги:  
Угил-қизлар елка оша,  
Интилишар, бўйлашар.  
Кеч қолганлар залга шошар,  
Ким экан деб ўйлашар.  
Қаҳрамон Дадаевнинг  
Усулидек сержаранг.  
Ҳамроқул Одиловнинг  
Зарбидек завқли, таранг.  
Рака-рум-танг, рака-рум-танг,  
Ғиж-банг, ғиж-банг, ғиж-банги.  
Ёш созанда Баҳодирнинг  
Йўл-йўриғи янги,  
Йўл-йўриғи янги.

1984

## КОСМОНАВТ

— Тайёрмисиз учишга?

— Ҳа, шайман!

Космонавт бўлиш орзум,

Шу ўй билан яшайман,

Акмалжоннинг эгнида

Скафандр ва кета.

Ана, космос бағрида

Учиб борар ракета.

Кўриб Доктор Войжоним

Ёқасини ушлади.

Африкада Бармалей

Тушгин деса тушмади.

Италия устидан

Акмал учиб ўтаркан,

Қарасаки Буратино

Сал бурнини кўтарган.

Мана буни айтишар,

Саёҳату сайр деб,

Силтаб қолди қўлини

Чипполино хайр, деб.

Шум тулкига чап берган

Ўша машҳур Бўғирсоқ

Ва сеҳрли Қалпоқча

Ур тўқмоғу, Ўғирсоп.

Ҳайрон бўлиб, лол қолиб

Акмалжонга боқарди.

Бундай парвоз аслида

Ҳаммага ҳам ёқарди.

Бу кўнгилли сафардан

Акмал бироз толиқди.

Бензобакни қараса,

Ёнилғи оз қолибди.

Бирдан буйруқ янгради:

— Қайтинг, қўниш майдонга!

Кўзин очса Акмалжон...  
Ухлаб ётар айвонда...

1985

## ИККИ ҚЎЧҚОР СУЗИШАР

Икки қўчқор сузишар  
Шохларин қарсиллатиб.  
Ҳайрон қолиб сўрайди.  
Шаҳарлик Абдулатиф:  
— Стадионсиз, судьясиз  
Бу қандай мусобақа? —  
Қишлоқдаги болалар  
Кулишар: — Ва-ҳа, Ва-ҳа...

1983

## ҲАММАМИЗГА

Гапга солар амакиси Лайлини:  
— Сухарингдан менга ҳам бер, майлими?  
— Ўзи учта, майлига.  
Бири менга, бири укам Сайлига.  
Қолгани-чи, тоғам, холам ва Сизга,  
Ҳаммамизга...



## ТИШ ЧЎТКАНИНГ ПУЛИГА

Читтак асло тап тортмай  
Тимсоҳ оғзин тозалар.  
Эвазига қолдиқ гўшт —  
Меҳнат ҳақин оз олар.

Бундай холис хизматни  
Тимсоҳ не деб биларкин?  
Тиш чўтканинг пулига  
Нима харид қиларкин?!

1982

## УПКАНИ ҚЎЛТИҚЛАМАЙ...

Ўсиб ётар қулупнай.  
Тарвақайлаб, чирмашиб.  
Емиш излаб Шилкиққурт  
Чиқди баргга тирмашиб.  
Имиллаб юриш асли,  
Шиллиққуртга жуда мос.  
Оёғи тойиб бирдан,  
Йиқилиб тушди бехос.  
Пичинг қилар Тошбақа:  
— Эҳтиёт бўлиш керак.  
Упкани қўлтиқламай,  
Шошилмай юриш керак.

1983

## СОВУН ЕРКАН

Сафар тоға паста билан  
Гупуртириб тишин ювса,  
— Тоғам совун ерканлар, — деб  
Дадасига айтар Муса.

1984

## ЕТАРДИМУ, СИГМАЙМАН

- Шарларингдан Қобилга берасанми? ,
- Бераман-да, бераман.
- Ойинг агар идиш ювса...
- Мен жавонга тераман.
- Агар уканг йигласа-чи?
- Уни алдаб овутаман.
- Чучварани сузса бувинг...
- Уни пуфлаб совутаман.
- Бешикка ётасанми?
- Ётардимү, сигмайман-да,
- Сен уй пойла, бизлар кетдик.
- Йўғ-е, унда йиглайман-да...

1984

## ТУРИСТ

Сафар халта орқалаган туристдек,  
Дор катаги асфальт йўлдан дурустдек.  
Зир йўргалар Ўргимчак,  
Ғир йўргалар Ўргимчак.

Тўр халтага пашша, чивин жойланиб,  
Ўзи чизган «ер шари»ни айланиб,  
Зир югурар Ўргимчак,  
Ғир югурар Ўргимчак.

1985

## УЙИН ТОПМАЙ

Туни билан булут қорни  
Элаб чиқди,  
Тўқайзорни оқ чойшабга  
Белаб чиқди.  
Хавфу хатар қор остида  
Қолгандайин  
Қаддин букиб таъзим қилар  
Арча, қайин,  
Қуёш полвон қайтар эди  
Оқшом ишдан,  
Тўқ-тўқ қилиб ўлжа излар  
Қизилиштон.  
Қуён ўйлар: — Бу ҳам мендек  
Сархуш — гаранг.  
Уйин топмай ҳар эшикни  
Чертар қаранг...

1984

## ДАРОЗ САРТАРОШ

Африкада сартарошман,  
Дўконим Саваннада.  
Филга ўхшаб чўмилмайман  
Чад кўлидек — ваннада.  
Ота-бобом Жирафа деб  
Исмимни билиб қўйган.  
Баландлигим олти метр,  
Камситмаган ҳеч бўйдан.  
Мижозларни қашқир каби  
Қолдирмайман бир тишлаб,  
Заранг баргин эринмасдан  
Эҳтиётлаб қиртишлаб.  
Атрофини соябондек  
Қайчилайман типпа-тик.  
Туяқушга паноҳ бўлар,  
Ёмғир қуйса тикка-тик.  
Ишга тушсак, мижозларга  
Бўйинбоғ ҳам тутилмас.  
Соч-соқоли ўсган дарахт,  
Биздан қочиб қутулмас.

1982

## ҚАРАСАКИ...

Тишим оғриб тунов куни,  
Келдим дўхтирхонага.  
Утирибман навбат кутиб  
Яширинмай панага.

Қарор қилдим оғриқ тишни  
Олдириб ташлагани.  
Шишиб кетган ияк-бўйним,  
Қўрқаман қашлагани.

Кириб кетди битта қизча  
Врачга мендан олдин.  
Кейин омбур ширқ этганин  
Эшикдан уқиб қолдим.

«Войдод» деган қичқириқдан,  
Ўзимни аранг ростлаб  
Қарасамки, катта йўлда  
Бораяпман ҳаллослаб...

1984

## ОНАМ КОЙИР

Сув қуйилган челақ, қумғон,  
Қаймоқ боглаб кўпчиди.  
Бўғотдаги сумалаклар  
Қишнинг сўргич-ўпчиги.  
Холдор, Ҳошим чана судраб,  
Нега қувнаб тошмасин,  
Чақиришиб апил-тапил  
Дўстларини, ошнасин.  
Сирғанмачоқ ўйнашиб,  
Қондиришди ташнасин.  
Бироқ Ҳошим айирди  
Бстинканинг пошнасин.  
Онам койир: — Бурама қант  
Ейди бугун, шошмасин...

1983

## ИНСОФ ТИЛАБ...

Она мушук ўғлига,  
Алла айтар баралла.  
Сичқон унинг сўзига  
Қулоқ солар шу палла.  
— Сен Арслоннинг зурёди,  
Чўнг бобонгдан қолишма.  
Арслонга хос иш қилгин,  
Сичқон билан олишма.  
Ором олгин алла ё,  
Ухлаб қолгин аллаё.  
— Хайрият, — деб Сичқонбой  
Иягига қўл тираб,  
Инсоф тилаб Мушукка,  
Нон кемириб ўтирар...

1982

## ЧИЛ<sup>1</sup> ОВИ

Бу йил қишки камикулни  
Ўтказдим Бешбодомда,  
Чунки тоғам моҳир овчи,  
Номи кетган одам-да.

Тоғам мени апил-тапил  
Саман отга миндириб,  
Саҳар овга жўнадик  
Егли қўмоч қилдириб.

Етиб келгач манзилга,  
Отни толга жиловлаб.  
Қор устига жели<sup>2</sup> ёзди.  
Қўниб қолган чил овлаб.

Бир гала қуш учиб келиб,  
Шўнғиди қорга тикка,  
Қанотлари олачипор,  
Ўхшаб кетар какликка.

Бирдан қорга шўнғиди,  
Жуда ҳайрон қолдим ман.  
Сўнг ўрдакдек сузиб чиқди  
Ўн метрча олдиндан.

Қувиб бордик мўлжалга  
Саман турар дам олиб.  
Сузиб бориб бештаси  
Тўрға тушди қамалиб.

---

<sup>1</sup> Чил — какликсимон қуш, қор остига ўрдакдек шўнғийди.

<sup>2</sup> Жели — каклик овлайдиган тўр.

Нега қорга шўнгиркан  
Ташвиш илиб бошига?  
Овдан қайтдик ўн чилни  
Боглаб эгар қошига.

1981

## ЕРДАМ СЎРАБ

Африкада дув-дув гап,  
Эшитган лол қолибди.  
Чопиб бориб Туяқуш  
Филни миниб олибди.  
Туяқушга ўчакишди  
Маймуннинг бордек қасди.  
Сўнг чирмашди Мангуста,  
Тушгиси келмас асти.  
Мангустанинг бўйнига  
Сўна келиб ёпишди.  
Кейин унинг ортидан  
Пашша, чивин чопишди.  
Шунча юкни кўтариб,  
Фил лапанглаб жўнади.  
Искаптопар шошганча  
Энг устига қўнади.  
Гандираклар фил шўрлик,  
Кўтаролмай бўқирди.  
Кўзи тушиб сичқонга,  
Ёрдам сўраб ўқирди.



## КЎЗИН ОЧСА

Бир қоп сабзи ортиб олиб  
Бўрига,  
Дўқ урганча ҳайвонларнинг  
Зўрига.  
Қуён полвон борар милтиқ  
Уқталиб.  
Бўри шўрлик қолса баъзан  
Тўхталиб.  
Сапчиб тушар бехос ирғай  
Тўқмоқдан.  
Келар экан бир товон йўл  
Сўқмоқдан.  
Бу аҳволни лайлак кўриб  
Боғ аро  
Чалди бирдан ўрмон бўйлаб  
Ноғора.  
Қуён чўчиб очса ғилай  
Кўзини,  
Дуб остида кўриб қолди  
Ўзини.

1984



### КИМ ПОЛВОН?

— Синфимизда энг кучли ким?

— Турди.

Утган сафар Бурхонни

Кўтариб ерга урди.

— Унчаликмас,

Ичимизда полвон Ғани.

Тунов куни шарт кўтарди

Вазнига тенг штангани.

— Акрам энг зўр, — деди қизлар,

Болалар кулди гуррос.

— Синфимизни ёлғиз ўзи

Ортига тортар, бу рост!

— Бу рост!..

1984

## БОБО, ҚАНЧА ЁШДАСИЗ?

Топишмоқ

— Бобо, кенжа набирангиз  
Неча ёшга чиқди ҳозир?  
— Кенжам Назир,  
Мен қанчага чиққан бўлсам  
Шунча ойлик бўлди бўтам.  
— Сиз қанчага чиқдингиз, —  
Қайтиб-қайтиб сўрар Жавлон.  
— Етмиш саккиз ёшга чиқдик,  
Набирамиз икковлон.  
— Вуй, қизиқ-а, хўш қандай?  
— Менинг ёшим уникига қўшганда..  
Ким топади Рўзмат бобо  
Қанча ёшга тўлганлигин?  
Набираси Назир эса,  
Неча ойлик бўлганлигин?..

1983

## КУРАШ

Абдуқаюм даст кўтариб,  
Ерга урди Солини.  
Кўринг энди, болалар,  
Мақтанчоқнинг ҳолини.  
Уқтин-ўқтин ҳансирар  
«Бўлди» дея ялиниб.  
Абдуқаюм атайлаб  
Босиб ётар турмасдан.  
Типирчилаб сўзлар Соли:  
— Йиқитиб қўйдинг қасдан.

Бу ҳисобмас товонимни  
Ерга таяб турибман.  
Мен ҳам Сени боғлардим-у,  
Лекин аяб турибман.

1982

## ЛОЙИҲАДА ИУҚ УЙЛАР

Юмронқозиқ ёқа ушлар,  
Ҳайрон Кирпи, Каламушлар.  
Ҳа, Кўрсичқон сўзлар эди,  
У олисни кўзлар эди.  
— Бу Тошбақа қурган сарой,  
Шиллиққуртга шоҳона жой.  
Бош планга нолойиқлар,  
Мана, кўрсин халойиқ, — дер.  
Уй қуришнинг ташвишидан  
Олис бўлган,  
Холис бўлган,  
Тошбақа.  
Тош саройин қўйиб бошга  
Йўртиб кетди сафар тортиб.  
Шиллиққурт ҳам жўнаб қолди,  
Карнай нусха уйин ортиб...

1984

## ХОЛИС ХИЗМАТ

Кана босди  
Қариб қолган Эчкини,  
Қолмаганди  
Йўқлагувчи ҳеч кими.  
Эчки ночор  
Чугурчуққа ёлборди.  
Хизматига  
Оқ тивитдан оборди.  
Тивитини  
Олмай қайтиб беришди,  
Канасини  
Битта қўймай теришди.  
Хурсанд бўлиб  
Ҳафта ўтмай Эчкивой  
Оқ тивитдан  
Тўртта қўлқоп тўқиди.  
Андозага  
Олди ўзин туёгин,  
Чугурчуқ ҳам  
Қараб уёқ-буёгин:  
— Ин бўлар, — деб, —  
Набирамга, боламга  
Раҳмат айтди  
Чевар Эчки холамга.

1983

## КИМ АЙТАДИ?

Жам бўлишиб ҳайвонлар,  
Қил ўтмай орасидан.  
Ҳасратлашиб қолишди  
Гап очиб боласидан.  
Тулки сўзлар: — Фарзандим.  
Содда, сўтак, тўпори.  
Олмахон дер: — Меники,  
Қўполларнинг қўполи.  
От айтади: — Қулуним,  
Ҳеч эпи йўқ чуноқдир.  
Эшак мақтар: — Хўтигим,  
Эсли, қамиш Қулоқдир.  
Бўри хурсанд: — Бизники.  
Ўхшаши йўқ мулойим,  
Диёнатли, инсофли,  
Кўз тегмасин илойим...  
Йўлбарс мамнун: — Ўғилчам,  
Оқибатли меҳрибон.  
— Кенжам озиб кетди, — деб,  
Ташвишланар Каркидон.  
Фил юпатиб дўстларин,  
Қўтаради кўнглини.  
Хўш, ким айтар, уларнинг —  
Шу гаплари тўғрими?..

1982.

## ТАСҚАРА

Чоғроқ четан арава  
Дўнг кўчада айланар.  
Эшитганлар зир чопиб,  
Томошага шайланар.

— Мос пахтага ранг келди,  
Олиб қолинг, холалар.  
Шишага — шар, лойҳуштак,  
Доғда қолманг, болалар.

Шиша билан мос пахта  
Тезде уйиб ташланар,  
Қарабсизки, шар пуфлаш,  
Ҳуштакбозлик бошланар.

Аттор ниқтар эшагин,  
— Чуқ тулпорим, бос, энди.  
Араванинг ортидан  
Комил елиб осилди.

Жўн ўйнаса майлига,  
Эҳ, тасқара, тасқара!  
Шим тиззадан йиртилиб.  
Бўлди роса масхара.

1983

## АТАЙ КИЙДИМ

Қақилдоқ қиз Матлубани  
Танимайсиз ҳойнаҳой.  
Туфлисини гоҳида  
Кийиб олар пойма-пой.

Қизлар кулса Матлуба.  
Ёқлайди ўз гапини:  
— Атай кийдим, ўнг оёгим,  
Босмасин деб чапини..

1983

## МИРҒИЁСНИНГ ҚИЁСИ

Қаллакланган тутларни кўриб,  
Шундай дейди Мирғиёс:  
— Мушт дўпайиб турган одамга  
Кўплар уни қилишар қиёс.

Дастурхонин қўндириб бошга  
Тўй-ҳашамга ошиққан, шошган  
Хотинларга ўхшайди асли,  
Шундай эмасми?..

1982



## УЧ ОҒАЙНИ

Япон юмори

Уч оғайни яшар кўпдан,  
Айирилмасдан элдан- тўпдан.  
Қайгу-ғамдан олис, йироқ.  
Отлари ҳам қизиқ, бироқ —  
Каттасининг исми Вах,  
Уртанчасин оти Хах.  
Энг кенжасин дейдилар Ха.  
Билсанг улар,  
Қотиб кулар:  
— Вах-Ҳаҳ-Ҳа! Вах-Ҳаҳ-Ҳа!

1982

## ҒОЗ КАРНАЙЧИ БЎЛМАСИН

Бола борки чўпчакка  
Сериштиёқ, серталаб.  
Бобом эртак айтади  
Ҳасанбойни эркалаб:  
— Қарга қақимчи экан,  
Чумчуқ чақимчи экан.  
Ғоз карнайчи экан,  
Ўрдак сурнайчи экан.  
— Ғоз карнайчи бўлмасин,  
Ўрдак сурнай чалмасин,  
Карнайчи Шокир тоғам,  
Хафа бўлиб қолмасин...

1982

## ВЕЛОСИПЕД

Зафарнинг тархашлиги  
Ҳаддан ошди.  
Велосипед олгунча  
Дадаси шошди.

Богчага- ку, аяси  
Олиб боради.  
Велосипед қўнгирогин  
Чалиб боради.

Ғашлик қилмай эшикдан  
Тез кириб кетар.  
— Ойи, Хуршид минмасин,  
Эскириб кетар.

Кулиб қўяр дил тўла  
Меҳру ҳаяжон.  
Велосипед етакда  
Қайтар аяжон.

1983

## ЛАТИФЖОННИНГ ЛОФЛАРИ

Богчасида Нури, Ўктам  
Латифжонни лоф дейди.  
Сўзларига ишонмай ҳеч  
Лофга ола қоп дейди.  
Игнага ип ўтказувчи  
Асбоб ўйлаб топармиш.  
Саксон яшар Узро буви  
Уни қутлаб ўпармиш.  
— Янги тарвуз нави, — дейди  
Кўтаришга боп бўлар.  
Қийналмайди одамлар  
Унда тутқи-соп бўлар.  
Яна магнит яратармиш  
Билимини ошириб.  
Терар эмиш гурунчларнинг  
Курмак билан тошини.  
Бошқалардек лол қолмайди  
Адирларни кўргач у.  
— Бу, дер тоғнинг боласимас,  
Туяларнинг ўркачи...  
Ўктам айтар: бундай гаплар  
Кўпдир унинг қопида.  
Анча-мунча асос бордир,  
Латифжоннинг лофида.

1985

## РАСМ ДАРСИДА

Ўқитувчи олма, нокни  
Сумкадан олиб артиб,  
Сўнг авайлаб вазага —  
Териб чиқди батартиб.  
Энг устига ўрнатди  
Қизил — нақшин олмани.  
— Бу натура болалар,  
Олмани дер, ол мани.  
Қани чизинг, акс этсин,  
Шундай нозик паллаким...  
Шу чоқ сиртдан муаллимни  
Йўқлаб қолди аллаким.  
Домла қайтса олма йўқ,  
Ўша қизил — нақшиси.  
Қаранг, кимдир еб қўйибди.  
Натуранинг яхшисин...

1985.

## ТОПҚИР БЎЛСАНГ...

Қирғиз халқ топишмоғи

Байталнинг боласини тойчоқ дерлар,  
Туянинг кўрар кўзи бўталоқдир.  
Эркининг эркатои улоқ бўлур,  
Қўй эса қўзи билан кўнгли чоқдир.  
Борди-ю сигир туғса дерлар бузоқ.  
Айиқнинг арзандаси мамалоқдир.  
Кийик, йўлбарс кенжасин не дер оти?  
Хўш нимадир маймун, бўри боласи?  
Нима бўлар кирпитикан зурёди? ·  
Доно бўлсанг, топ ва тўлдир чаласин...

1984

## АЯМАДИ МҮЙЛАБИН

Чалган эди чигиртка  
Созни авждан юқори,  
Тун ярмида узилди  
Ғижжагининг бир тори.  
Хайриятки бахтига  
Устахона — дўкон бор.  
Лекин ишлар кундузи  
Шохдор қўнғиз дўкондор.  
Тонгни кутиб ўтирмай,  
Устани кетди излаб.  
Топиб шохдор қўнғизни  
Илтимос қилди сизлаб.  
Чирилдоқлар нагмаси,  
Чиқар авжга — заптига.  
— Қолмайин, — дер кўриқдан,  
Кафтин ишқаб кафтига.  
— Дўкон ёпиқ, эртага  
Келгин деб айтолмади.  
Чигиртканинг сазасин  
Уста ҳам қайтармади.  
Изат-икром кўрсатди  
Шохдор қўнғиз эъзозлаб.  
Юлиб битта мўйлабин.  
Ғижжагин берди созлаб...

1984

## АРСЛОНБӨБ

Кыргыз ёзувчиси  
Мурза Гапаровга

Арслонбобнинг оқ қалпоқли  
Чўққисини,  
Бир кўришда «севиб» қолди  
Қўққис уни.  
Ой нурида Дулдулкўл ҳам  
Олтин тусда.  
Ёгдусида терар ёнгоқ,  
Хандон писта.  
Тоғ кўркини сақлаб қолиш  
Борасида,  
Қолиб кетар Бобошота  
Дарасида.  
Кўрган айтар, «Мирза эмас,  
Тоғ қарибди».  
Рашк кучидан сочи қордек  
Оқарибди...

1983

## ҚИЗГАЛДОҚЛАР ҚУТЛАШАР

Тонг оқариб юлдузлар —  
Аста учиб боради.  
Яйлов олис, чўпонлар  
Тоққа кўчиб боради.

Ирғишлайди шўх қулун,  
Пешонаси қўнғир-оқ.  
Бўталоқ-чи лўкиллар,  
Бўйнида жез қўнғироқ.

Қизгалдоқлар қутлашиб,  
Чалар гўё мис карнай,  
Куйлар тинмай чулдираб  
Осмон узра бўз тўрғай.

Яйлов бағрин яшнатди  
Оқ ўтовли овуллар.  
Тунлар салқин бу ерда,  
Қуврай — ўтин ловуллар.

1982

### ЛОФ ЭМАС

Ҳаво иссиқ, дим эди,  
Меҳнат кучи кам эди.  
Чумолини тақалаб,  
Аста анҳор ёқалаб,  
Қамиш ўрдим шир этиб,  
Чигирткалар чир этиб,  
Тегавергач гашимга,  
Имлаб қўйдим Ҳошимга.  
Тўрттасини от қилиб,  
Қогоздан қанот қилиб  
Аравага қўшилди.  
Сўрагайсиз хўш энди?  
Ким ҳақ тўлар кам ишга,  
Уша куни қамишга  
Оқ саройни тўлдирдик,  
Кўк саройни тўлдирдик.  
Дўстим ишлар шундақа,  
Ошпаз эди Тошбақа,  
То овқати пишгунча,  
Ухлаб қопмиз тошдақа...

1981

## СЎНА

Қўғирмоч қовурғудай  
Саратоннинг қозони  
Ҳатто кўзга илашмас  
Дайди гирдоб тўзони.  
Қалдирғочлар анҳорга  
Тўш уради керилиб.  
Қўй ва моллар сояда  
Кавш қайтарар эриниб.  
Шу маҳал чипор буқа  
Шаталоқ отиб қолди.  
Қўйлар ҳушёр тортишиб,  
Серкалар қотиб қолди.  
Яйловнинг чанги тўзиб  
Тўполон бўлиб кетди.  
Буқанинг ғазабидан  
Кўп чивин ўлиб кетди.  
Думини хода қилиб,  
Чопа кетди, бўкирди.  
Ё унга биров бехос  
Игна санчди, ток урди.  
Тўғри келган одамни  
Аямай сузиб ўтди.  
Четан деворни шартта  
Шохида бузиб ўтди.  
Така сўрар Қўчқордан:  
— Ҳўкиз мунча тархаша-а?!  
— Бир сўна қўнганига  
Шунча ташвиш, хархаша...



## ДОНИЁРНИНГ БАҲОНАСИ

Елкага сумка осиб,  
Қорларни гарч-гурч босиб,  
Кетиб борар Дониёр.

Шу пайт бурилди чапга,  
Сиз ўйларсиз мактабга —  
Етиб борар Дониёр.

Эҳ, қандай роҳат, маза,  
Музда сирганиб роса  
Чарчаб-ҳорди Дониёр.

Уст-бошин қоқиб аста,  
Кейин охирги дарсга  
Шошмай борди Дониёр.

Дер эшикни қия очиб:  
— Кечиринг, тобим қочиб  
Тўғри врачга бордим.

Муаллим сўзлар шунда;  
— Даволаниб ёт унда.  
— Энди тузалиб қолдим!

1981

## ЎТ КЕТДИ...

— Ўт кетди, — деб қолди кимдир,  
Тўс-тўполон бошланди.

Икрóm толнинг шохин юлар,  
Мен челакка ташландим.

— Қани? Қандай? — сўрар шошиб  
Анвар шу чоқ Очилдан.

Чопиб борар болакайлар.

— Тезроқ югур, бос илдам.

— Ана қаранг! Қир бағрини.

Ўчирамиз биз қандоқ?

— Эсинг борми, бу оловмас

Очилибди қизғалдоқ...

1981



## БОШИНГ КҮККА ЕТСА ҲАМ

— Қушлар қандай кийинар?  
— Бири созу, бири зўр!  
Қора камзул, оқ кўйлақда  
Ола қарға дирижёр.  
Сариқ китель тиктирибди  
Ёзга мослаб Зарғалдоқ.  
Тўтиқушнинг қулоғида  
Тақа нусха зар балдоқ.  
Поча-пўстин тўғри келмай,  
Қораялоқ хит-хуноб  
Малла нимча зап ярашиб,  
Там-там босар Қарқуноқ.  
Қизилиштон боши узра,  
Энлик алвон тож билан  
Чумчуқ юрар етаклашиб.  
Сергап Читтак гож билан,  
Калхат сўзлар: — Пўпишакхон  
Бугун жуда пўримсиз.  
Булбул кийган усти-бошлар,  
Ҳай, намунча кўримсиз.  
Қалдирғоч дер: — Дўстлар, наҳот,  
Қадр-қиймат кийимда.  
Бошинг кўкка етса ҳамки,  
Булбул бўлиш қийин-да...

## ЧЎНТАКНИНГ ТЕШИГИ

— Чўнтагингдан тушиб қолса  
Эллик беш тийин танга.  
Қани менга айтиб бер-чи,  
Нима қолар киссангда?!  
— Тўплаб юрган тангаларим,  
Жами эллик беш эди.  
Демак, унда қолар фақат  
Чўнтагимнинг тешиги.

1983

## ҚУЁШ ВА АСАЛАРИ

Оқшом чўкиб, Гулибеор  
Бошга дурра ўради.  
Туни билан ҳордиқ олиб,  
Ширин тушлар кўради.

Тонгда кимдир қўшиқ айтар,  
— Дайди шамол қоч энди.  
Ариларнинг қўшиғидан,  
Гулибеор очилди.

Қуёш тоғдан мўралаб,  
Хижолатдан бош қашир.  
Асалари виз-виз қатнаб,  
Кувачада бол ташир.

1982

## ЭГИЗАКЛАР

Сурат солар ёш рассом,  
Чимирганча қошини  
Деворларни бежайди,  
Шўхликлардан ошиниб.  
Қўлида турфа қалам,  
Отаси, чиз, — деб, — болам,  
Совга қилган Темурга.  
...Қаламга боғлиқ лавҳа —  
Муҳрланган умрга.  
Қирқ бешинчи йил эди,  
Ўқирдик биринчида.  
Бўёқ қалам ва дафтар  
Камёб, ташнайди жуда.  
Қўнғир тус битта қалам  
Етарди синфимизга.  
Жалолиддин<sup>1</sup> вақтинча  
Бериб турарди бизга.  
Чизардик жанг-жадаллардан,  
Ғолиб қайтган жангчини.  
Фашистларнинг самолёти  
Портлар ерга санчилиб...  
Юлдуз, каска, танк расми,  
Бизга у кез ёд бўлган.  
Қўлтиқтаёқ муаллимнинг  
Сўзлари қанот бўлган.  
Келар отлиқ суворийлар  
Ўт чақнатиб туёқдан.  
Кўз олдимдан кетмас сира  
Латта сумка, қўнғир қалам,  
Музлаб қолган сиёҳдон.  
Ўтди-кетди у дамлар  
Бамисоли туш каби.

---

<sup>1</sup> Синфдошим Жалолиддин Тошхўжасв.

Қутлуғ, шодмон кунларга  
Талпингандик қуш каби.  
... Чизгин, Даврон ўғлони  
Каптарларни, Қуёшни.  
Мўйқаламинг зўр бўлсин,  
Олгин нурдан қиёсни.  
Бобонг руҳи жиловдор,  
Бўтам, бахтинг бекамдир.  
Умид билан отанг ҳам  
Кўрар кўзим дегандир.

1983



## ОБШИРСОЙДА

Обширсойга етиб келдик,  
Айни пешин.  
Уюрларни суғоргани  
Борар Эшим.

Қўш қояда кун илиниб  
Тураб зўрға.  
Нимагадир сув ичмайди.  
Саман йўрға.

Еш чавандоз ҳуштак чалиб  
Ишқиради.  
Саман қулоқ чимирганча  
Пишқиради.

Бешик-бешик тўлқин сапчир,  
Уйин қуриб.  
Отлар асов, билмас юган,  
Бўйинтуруқ.

Обширға кел, гар шаҳарда  
Чарчаб-ҳорсанг.  
Арчадайин кўнглинг яшнар,  
Тоққа борсанг.

1983

## СУВНИНГ РАНГИ

— Сенда гап бор,  
Дўстим Ғаффор,  
Айт-чи, сувнинг рангини?

— Дўстим Нишон,  
Менга ишон.  
Ахир бу гап янгими?

— Борми фаҳминг?  
Дов-дарахтнинг  
Ювар ғубор чангини.

Дала-тошлар  
Ундан яшнар,  
Кўриб қувнар кўзимиз.

Езу-қишлар,  
Ранг бағишлар,  
Гуллар дала-тузимиз.

— Тўғри гапинг,  
Сувнинг нафин  
Билмаймиз-да ўзимиз.

1982



## УЯЛАДИ

— Дада, булут ортига  
Қуёш нега беркинар?  
— Юз юлмаган боладан  
Уялади, Эркиной. . .

1981

## МАГНИТ

Сиз балки танимайсиз  
Ён қўшнимиз Мирзани.  
Косиб тоғам Қосимжоннинг  
Дўконига кирсами,  
Тоғам ишлар ипни эшиб,  
Пилискидан ўтқазиб.  
— Ол, ўйна, — деб магнит берди  
Курсичага ўтқазиб.  
Мирза уни олган заҳот,  
Бигиз қолди ёлишиб.  
Майда михлар атрофида  
Ирғиб ўйнар чопишиб.  
Сакрар темир кукуни  
Картон қогоз учида.  
Шундагина ишонди у  
Ернинг тортиш кучига.

1973

## ВАННАСИНИ ЭСЛАДИ

Саратон офтобида  
Мудрар ҳоргин далалар.  
Тулпоркўлда чўмилар,  
Қишлоқдаги болалар.  
Равшан шўнғир ғаввосдек,  
Карим қулоч отади.  
Ўшдан келган Садриддин  
Ўй-хаёлга ботади.  
Ечмай кийим-кечагин,  
«Уф» тортади, эснайди.  
Кўп қаватли уйдаги  
Ваннасини эслайди.  
Садриддинга қолсами,  
Бу ер маза жой эди.  
У сузишни ўргатмаган  
Дадасини койиди. . .

1981



## СУҲБАТ

- Хола?
- Ҳа, Нигора.
- Сизлар бизникига кўчиб боринглар.
- Қайга?
- Бизникига — Фрунзегга.
- Бўптими?
- Хўп.
- Биз Сизларникига — Ушга кўчиб келамиз.
- Майли. Нега энди Нигора?
- Сизлар магазиндан булочка олиб ейсизлар. Биз Сизларнинг тандирларингда ҳар куни иссиқ кулчалар ёпиб маза қилиб еймиз.
- Бўпти қизим. Бўпти.

1984



## БЕШ ПАНЖА

Ўнг қўлимда беш панжа,  
Чап қўлимда беш панжа,  
Ҳар бирининг исми бор  
Иноқ, ақил, эш панжа  
Ўнг қўлдаги:  
Бошмалдоқ,  
Барамалдоқ,  
Ўрта терак,  
Хўжа мерак  
Кенжа бувак  
Чалғи тутиб бирлашиб,  
Бугдой ўрар сирлашиб.  
Чап қўлдаги панжаларим,  
Бошоқларни дасталайди.  
Бошмалдоқ,  
Барамалдоқ  
Ўрта терак,  
Хўжа мерак,  
Кенжа бувак.  
Ер ва деҳқон шаънига,  
Тўрғай қўшиқ басталайди.

## ТАЛЪАТНИНГ ТУЛПОРИ

Топишмоқ

Тўрт туёғи кумушдан —  
Тақаланган тулпордек.  
Кеч қолгандай юмушдан  
Чопқиллайди шунқордек.  
Ўн иккита довонни  
Бир кечада ошади.  
Шошади,  
Манзил йироқ,  
Ҳормас бироқ.  
Куни-тунга улашдан,  
Курашгани-курашган.  
Мана, тонг ҳам отаётир  
Йўли бўлар нурафшон.  
Бир зум тиним билмайди,  
Талъатжоннинг тулпори.  
Вақтни ўлчаш борасида,  
Шунқорларнинг шунқори.

## ТҮРТ АМАЛ

Уқиш борар ўрмонда,  
Қатнашмаган армонда.  
Чинор ости ғаккадир.  
Муаллими Ҳаккадир.  
Арифметик тўрт амал  
Ўргатилар галма-гал.

### 1. ОЛУВ

Ёнгоққа ўч Олмахон,  
Ҳадеб бошин қашийди.  
Учдан тўққиз олинмагач,,  
Уйга нима ташийди?  
Кўрсатмайди Қарқуноқ  
Шпаргалка қорасин.  
Уч ортига ноль қўйиб  
Топди охир чорасин.

### 2. ҚЎШУВ.

Доскадаги ёзувларни,  
Думида артиб  
Ўрганмоқда кўшувни,  
Мушук батартиб.  
Бу амалда саноқ сон  
Боради ортиб.  
Тўғри топса ўнта сичқон  
Ўзига тортиқ.

### 3. КЎПАЙТИРИШ

Қуён бўлса ҳисобдан  
Энг олдинги маррада.  
Вазифани ишлар зумда  
Оддий усул — каррада.  
Тулки атай Қуёндан  
Сўради шу пайт қўққис:  
— Уч жойда учта сабзи?  
— Бўлади роса тўққиз.  
— Олти карра олти-чи?  
Дўстим қанча бўлади?  
— Ҳттиз олти карамга,  
Олақопим тўлади.

### 4. БЎЛУВ

Қизилиштон наздида,  
Бўлиш оғир кўринар.  
Бироқ саккиз иккига,  
Оппа-осон бўлинар.  
Тумшугида ҳисоблаб,  
Тер тўкар анча-мунча.  
Нольдан нольни айирса  
Қолади тешик кулча.  
Беш иккига... мумкин эмас  
Сизга аён тушунча.  
Бу топшириқ уй вазифа,  
Дарс тугади бугунча.

## КЕЙИН БИЛСАК

Юсуф Шомансурин хотирлаб

Янги таъмал қўқон гилос  
Нишонаси.  
Ғойиб бўлди десам қандай  
Ишонасиз?  
Шум болалар ё бошига  
Етдимикан?  
Олақанот уни илиб  
Кетдимикан?  
Кейин билсак, роса ҳил-ҳил  
Пишган чоғи,  
Шамол силкиб, ер остига  
Тушган чоғи,  
Она тупроқ кафти узра  
Кўтарибди.  
Қаранг, яна бир туп гилос  
Кўкарибди. . .

## КЎЙЛАК ТИКАР

Навбаҳордан —  
Элчи «Хут-ют»  
Кетмон сопга —  
Заранг ва тут.

Сўнгги музлар,  
Қиш қирмочи.  
Попукка зор,  
Толнинг сочи.

Алғов-далғов,  
Кўкда булут.

Ғуррак куйлар.  
Карвон қур-рут.

Деҳқон ҳордиқ,  
Бериб қишга.  
Енг шимариб,  
Тушди ишга.

Ноз уйқудан,  
Туриб наҳор.  
Кўйлак тикар,  
Чевар баҳор.





## ХАЙРУЛЛА ОТГАН ТОШЛАР

Баҳор келди отланиб,  
Барг ёзиб, қанотланиб.  
Тут оқарди, болалар,  
Қоқар, силкир, шодланиб.

Икки ҳафта ўтмайин,  
Олча, гилос қизарди.  
Хайруллада илгак сим,  
Демак, қўли узарди.

У шох эгар, Носиржон  
Саралайди пишганин,  
Олиб қочар болалар  
Ерга тўп-тўп тушганин.

Боғ кўчанинг тўрида  
Ўрик ола бўлибди.  
Энг биринчи Хайрулло,  
Уни шохда кўрибди.

Шарбат йигиб шафтоли,  
Июль ва август ўтди.  
Хайруллонинг «ўқ»ларига,  
Олма дадил бош тутди.

Қоғати<sup>1</sup> бўлмай ёнғоқ,  
Мўлжал олди шошилиб.  
Дайди кесак «қарс» этиб,  
Ғурра қилди бошини.

У отган кесак, тошни  
Йигса бўлар уч-тўрт қоп.  
Синиб қанча дераза,  
Дарахтлар бўлди, бетоб.

Шундай қилиб бесамар,  
Уч ой ўтди саналмай.  
Юрар ҳамон Хайрулло  
Ўз нуқсонин тан олмай.

1985

---

<sup>1</sup> Ёнғоқ пўстининг арчилиши.

## УН ТОВУҚҚА БЕРМАДИК

Тонг отмасдан қий-қиёлаб  
Қолди бирдан бабақ Хўроз.  
Ғафлат босиб ғарам узра  
Ухлаб ётар итим Барбос.  
Бир кечада беш товуқни  
Олғир тулки қипти ғойиб,  
Бўш катакда ёлғиз Хўроз  
Турар эди мунғайиб.  
Отам дейди: — Қопқон бўлса  
Бир кўрсатиб қўяр эдик.  
Бўпти, ўғлим, бу маккорга  
Биз ҳозирча «қойил» дедик.  
Қовун-тарвуз авжи пишган,  
Кунгабоқар чойлаб ётар.  
Малиш қўйлар кавш қайтариб,  
Ниманидир чайнаб ётар.  
Чирилдоқлар гал беришмас,  
Қумғон қайнаб тошиқади.  
Султон думбул пиширгани  
Тезак қалаб ошиқади.  
Тошфонарнинг ҳожати йўқ,  
Ой шуъласи мўл-кўл ёғар.  
Ҳаким ушлар бузоқчани,  
Ойим эса сигир соғар.  
Кўплар билмас полиз ичра  
Юлдуз санаб ётиш гаштин.  
Отам бизга сўйлаб берар.  
«Алиф Лайло» саргузаштин...  
Ярим кеча сал нарида  
Недир тўқ-тўқ этиб борар.

Чайла ёқдан чиқиб аста  
Қўрқа-писа кетиб борар,  
Олиб заранг таёғини  
Отам кутиб турди анча.  
Тулки экан, хурмачани  
Бошга кийиб кутарганча  
Тўқ-тўқ қилиб борар эди  
Сут ичгани тушган экан.  
Ундан бошин чиқаролмай,  
Кўзи сутдан шишган экан.  
Отам унинг терисига  
Сомон тиқиб кERGани йўқ,  
Уй тўрига осиб қўйдик,  
Ун товуққа бергани йўқ. . .

1981



## ҲОЗИРГИ БОЛАЛАР

Қайтдим олис сафардан  
Ўғилчамни соғиниб.  
У кўрсатар бирма-бир,  
Ҳар хил ўйинчоғини.  
Эркалатиб, ачомлаб,  
Упарканман сўнги дам.  
Ешлигимдан бир лавҳа  
Ўтди кўзим ўнгидан.  
Ошқовоқ қирса ойим,  
Мен-чи, гирди-капалак.  
Эсдан чиқиб Оқ чўрмак<sup>1</sup>  
Унутилар сопалак<sup>2</sup>.  
Бундай зўр ўйинчоқни  
Ким кутмаган соғиниб?  
Судрар эдик ип боғлаб.  
Ошқовоқ пўчоғини. . .  
. . . Уруш тугаб, одамлар,  
Қадди-бастин кўтарди.  
Турмуш оғир бўлса ҳам,  
Кунлар завқли ўтарди.  
Тол чивикдан от қилиб,  
Чопган Ортиқ, Мирҳайдар.  
Ҳозир бўлса болалар,  
«Волга» билан «Зим» ҳайдар.

1982

---

<sup>1</sup> Оқ чурмак.

<sup>2</sup> Сопалак — болаликдаги ўйинларнинг номн.



### ТУШ БЎЛИБ ҚОЛСИН МАЙЛИ...

Қирда юрган эмишман...  
Қора тариқ сидириб.  
Тополмадим негадир,  
Бу гал бурчоқ қидириб.  
Думбул бўлган буғдойдан,  
Кимдир айтар: «Оловур».  
Қувиб қолди шу маҳал  
Аббэс деган қоровул.  
Жон халфида уйғондим,  
Ҳа, қоровул туфайли.  
Хайрият тушим экан,  
Туш бўлиб қолсин, майли. . .

1982



## ЗОҒОРА

Қийғос пишиб жўхорилар,  
Авжида ўроқ чунон,  
Хамир қориб тонг чоғи,  
Онам ёпар ўроқчи нон.

Бўғриқиб, бўртиб кетган  
Саратон офтобида.  
Тандир оғзин беркитгач,  
Қозоннинг қопқоғида.

— Сингиброқ пишсин, — дерди  
Мен парвона мўлтираб.  
Онам чўпчак айтади,  
Иягига қўл тираб.

Худди эртақдагидай  
Чалпак ёққан кун эди.  
Қаҳатчилик тугашига,  
Зоғора якун эди...

## «СҮНГГИ» ЖАНГ

Қирқ бешинчи йилнинг қиши,  
Совуқ чиққан учига.  
Сандалимиз кўниб қолган,  
Ўрик ўтин кучига.

Бозиллаган оловга,  
Бағримизни товлаймиз.  
Чўғ пасайса, косовдамас,  
Товон билан ковлаймиз.

Уйга кирдик кўчадаги,  
Яхмалакни унутиб.  
Ивиб кетган этик, шимни  
Олиш керак қуритиб.

Энг каттамыз Абдухалил,  
Ундан бироз чўчирдик.  
«Уруш-уруш» — ўйинин  
Тор ҳужрага кўчирдик.

Лабда қамиш найчаси,  
Ёлғиз отар — тўпимиз.  
Тугаб жийда данаги,  
«Асир тушдик» кўпимиз.

Бирдан сандал ичида  
Портлаб қолди «Замбарак».  
Қўлим тегиб тушиб кетди,  
Осма чироқ — чамбарак!

Сандал ичра турган қумгон,  
Пов-пов этди наърадор.  
«Сўнгги жангда» оёқ куйиб.  
Карим бўлди ярадор...



## «СОХТА» БУЗОҚЧА

Чаккагарлик... ғалтак ипдан<sup>1</sup>  
Сув силқийди чакиллаб.  
Жомга айтар ҳасратини,  
«Чак-чак» дея макиллаб.

Қозонимиз жазликка зор,  
Кели интиқ бўғизга<sup>2</sup>.  
Бир кун шомда таргил туғиб  
Елчиб қолдик ўғизга.

Чаккагарлик тингунча  
Боғлаб қўйдик даҳлизга.  
Кепак ундан атала,  
Эрмак топилди бизга.

Бодлигимиз эҳ, аттанг,  
Чўзилмади узоққа.  
Бир ой ўтмай ўлиб қолди,  
Недир дариб бузоққа.

Онам койир «Кантузия»,  
Бўлиб қайтган отамни.  
Тоғам сал-пал енгиллатди  
Чипқон бўлган мотамни.

Бузоқчанинг терисига,  
Сомон тиқди, қамади.  
Чокларини билинтирмай  
Эҳтиётлаб ямади.

---

<sup>1</sup> Чакка ўтган жойларда ип тортилиб, унинг учлари бир нуқтага бирлаштирилади.

<sup>2</sup> Б ўғиз — ошлик, дон.

Тол қозықдан туёғи,  
«Бузоқ» деса бұлади.  
Тарғилимиз буни сезиб  
Аламзада мұради.

Елғон шаклу-шамойилга,  
Боққани йўқ қайрилиб.  
Тушди роса қимматга,  
Бу тасодиф — айрилиқ.

Тарғил мұрар, ерда сомон,  
Турар ҳамон чайналмай,  
Сутдан қолди молимиз,  
Икки ҳафта айланмай.

Ўттиз кило тариққа  
Уни сотиб юбордик.  
Ҳамал оyi кириб келди,  
Ёмғир ювган губордек.

## СОЯБОН

Манзара

Баҳор эшик чертди барвақт,  
Айиқ эса ҳамон қишлар.  
Паррандалар жой танлашиб,  
Ин дардида хашак тишлар.  
Чумолилар бураб мўйлов,  
Саф тортишиб дадил ишлар.  
Бехос момогулдирак,  
Ўқтин-ўқтин чертди торин.  
Шатур-шутур тўкди булут,  
Бисотдаги неки борин.  
Эҳ, ажабо, кўринг ана,  
Табиатнинг иқтидорин.  
Чумолига соябон —  
Бўлди бир жуфт қўзиқорин.

## САНОҚ СОН

— Укажоним, саноқ сонни,  
Ўрганишга қалайсан?  
Панжаларни букиб аста,  
Бир чеккадан санайсан.

— Бир, икки, уч, беш, олти,  
Санар тилин учида.

— Вуй, дангаса қўлинг қани?  
— Қўлқопимнинг ичида.

## ТАДБИРКОР ЖҶЖА

Лоф

Тухумидан чиқиб жўжа,  
Олазарак, ҳайрон боқар.  
Шатир-шутур ёмғир қуйиб,  
Тарновлардан сувлар оқар.  
Той-той юриб чиқди сиртга,  
Чорлар уни йўлак, кўча.  
Олиб тухум пўчоғини,  
Зонтик қилиб кетди жўжа.  
Ева ушлаб қолди Хўроз,  
Ҳайрон, Фулгул, Лайлак дароз.

1974

## ЭСКИ БҶЛИБ ҚОЛАДИ

Дилшод янги туфлисини  
Нимагадир киймайди.  
Яланг оёқ юрар доим,  
Балки кўзи қиймайди.  
— Бор, туфлингни кийиб ол,  
Бундай юриш ғалати.  
— Тоға, уни кийсамми,  
Эски бўлиб қолади. . .

1974

## ШАФТОЛИ

Кун нуридан тафт олиб,  
Ҳил-ҳил пишди шафтоли.  
Холвой кўриб тўсатдан,  
Тош иргитиб ўшатдан  
Солди қўйин-қўнжиги  
Бир донаси лунжида.  
Бўлмас эди шошмасдан,  
Лекин девор ошмасдан,  
Кўйлагин ташлаб қочди,  
Қорнини қашлаб қочди.  
Қичиштирди зафт олиб  
Уни тукли шафтоли. . .

1980





## ХОККЕЙ

- Аканг қани Мавлуда?
- Ҳовлида.
- Чақириб келсин Яшар,
- Улар хоккей ўйнашар.
- Нима?
- Хоккей?!
- Бор, югур келсин тезроқ.
- Таёғи синиб афти
- Оёғи қалтислабти.
- Зумраша Мамаражаб
- Ажаб бўлипти! Ажаб!..

## ПИШЛОҚ

Қор тиззадан, қайрағочга,  
Булдуруқлар инибди.  
Чумчуқларнинг бозорлари  
Эрта кунда тинибди.  
Чилла ҳукми сингиб кетган,  
Ернинг мағзи-мағзига.  
Қарға мағрур кўкка боқар,  
Парча пишлоқ оғзида.  
Бу гал кутиб ўтирмасдан,  
Эртақдаги Тулкини,  
Емоқчийди тумшуғига...  
Илиб олган мулкени?  
Култепада ётган Эшак,  
Ҳангради-ей — ҳангради  
Бефаросат хатосини —  
Сал кейинроқ англади.  
Ҳушёр тортиб, ютиниб  
Атрофига қараса,  
Ерда сароб — тўлқин урар,  
Иссиқ қирқ беш даража.  
Қордан нишон кўринмайди  
Бош оғриғи босилган.  
Фақат тили сангиллаб,  
Пишлоқдайин осилган...

## НА ИРАНГБОЗ

Дор катакли ипак йўлдан,  
Гириллаб.  
Лангарчўпсиз чошиб юрар,  
Зириллаб.  
Сеҳргардай оғзидан ип  
Чувалар.  
Чигирчиқда ўз-ўзини,  
Қувалар.  
Пастга сакрар минг мақомда,  
Ен ташлаб.  
Ҳузур қилиб беланчакда  
Енбошлаб.  
Ўлжасини юбормайди,  
Қочириб.  
Бир пашшанинг унга оғзи  
Очилиб.  
Деди: — Фойдам тегиб қолар,  
Сенга ҳам  
Дор ўйнашни ўргатиб қўй,  
Менга ҳам.  
— Қани юр деб, — уйи томон  
Бошлади.  
Сўнг «меҳмонни» шифтга,  
Боглаб ташлади.



## ЭЪТИРОЗ

Эрта тонгдан Заргалдоқ,  
Бир хушхабар улашар.  
Маданий турмуш учун,  
Қушлар қандай курашар?  
Қилинган иш бобида,  
Ҳисоб берди Қарқуноқ.  
Ютуғимиз бир талай,  
Гувоҳ келган ҳар қўноқ.  
Сир эмас, чумчуқ, читтак,  
Шаҳарда кўп юришар.  
Печканинг карнайига,  
Мослаб уйлар қуришар.  
Ҳатто эпсиз мусича,  
Ўтирмас хас-чўп ташиб.  
Тунука том остига,  
Қолди у ўтроқлашиб.  
Лайлакка раҳмат, чунки  
Ундан кўплар чўчирди.  
Чинор, тутдан инини,  
Симёғочга кўчирди.  
Сўзни қисқарт дегандай  
Калхат қўйди йўталиб,  
— Жўр, бедана ҳақида  
Ўтирмайман тўхталиб.  
Анча-мунча нуқсонга  
Барҳам бердик жойида,  
Лекин шундай бўлса-да,  
Бузилмоқда қоида.  
Масалан қалдирғочни,  
Бойўгли кўп уришган.  
Воз кечмайди негадир  
Гувалак уй қуришдан.

Айтаверсак гаплар кўп,  
Кўмир бироз озроқ-да.  
Энди қолган ишларни,  
Ҳал қиламиз ёзроқда...



## ХАТОСИНИ ТУЗАТДИ

Тушлик пайти шовладан  
Татиб кўрмай бир олим.  
Жуфтак урди даладан  
Ён қўшнимиз Миролим.  
Пахта терган этагин  
Чорпояда қолдирди.  
Тут кўчатни паналаб,  
Сўқмоқ йўлга солдирди.  
Домласи Сардор ака,  
Қолди чоғи пайқамай.  
Шовқин-сурон кўтармади  
Сезса ҳамки ҳар қалай.  
Дарвоза қулф Миролим  
Ошиб тушди девордан.  
Уни биров қувгандек  
Шошиб тушди девордан.  
Ўз ҳолича дам олиб.  
Қўл-оёғин ростлади.  
Қоқиб еди беҳидан  
Чанқоғини босмади.  
Ишдан қайтди ойиси.  
Бироз хомуш-хафадир.  
Сўраб қолса агар у  
Важи карсон топади.  
Шундай қилиб Миролим,  
Уч кун юрди тентираб.  
Сардор ака ортидан  
Келгани йўқ энсираб.  
Жаҳлин босиб отаси,  
Тергамади, сўкмади.  
Ҳеч ким уни «қочқоқ» деб  
Обрўйини тўкмади.  
Тўпланиб отмиш ёшдан  
Токи етти яшарга.

Якшанбада чиқишди  
Маҳалла-кўй ҳашарга. .  
Пахта учун бахш этса  
Барча юрак қўрини.  
Мирол юрар сўппайиб,  
Элга ёмон кўриниб.  
Тузук-қуруқ сўрашмай,  
Ўтди Солиҳ, Мирфозил.  
Дўстларининг бу иши  
Кўп алам қилди ҳозир.  
Қачонгача шу тахлит,  
Юраман сандироқлаб.  
Кўрсатмасам бўлмайди.  
Ўзимни-ўзим оқлаб.  
Бор гапини тайинлаб  
Қўшни Қумри холага.  
— Ойим келса айтинг, — деб  
Жўнаб кетди далага.



## ҲАРФЛАРНИНГ САРГУЗАШТИ

Жованни Рабонининг «Қайсар  
рақамлари»га жавобан

Кўзларига ёш олиб,  
Ўттиз бешта ҳарф бирдан.  
Кетган эмиш бош олиб,  
Хафа бўлиб Собирдан.  
Унга футбол бўлса бас,  
Айтган гапга кирмайд:и.  
Ҳамон ўқир ҳижжалаб,  
Фанни ўзлаштирмайди.  
«Алифбе» ни дарс пайти,  
Эриниб бир-бир очди.  
Қарасаки ҳарфлар йўқ.  
Оғзин таноби қочди.  
Кўрсатгани уялар  
Уни ярим-ёртига.  
Қайси бирин излайди,  
Тушиб олиб ортига.  
Акрам, Акмал шу маҳал.  
Оро киришди жонга.  
«А» ҳарфи кетган экан  
Аразлаб Андижонга.  
Баҳром, Баҳри, Баҳодир,  
Белни боглаб чопишди.  
«Б» ни бўлса ўша кун  
Бухородан топишди.  
Вали, Ваҳоб, Васида  
«В» ни излаб елишди.  
Вертолётда визиллаб.  
Водил томон келишди.  
Гуландомни ўтқазиб  
«Газик» ни минди Парпи.

Гулистонда гурдайиб,  
Гурунглашар «Г» ҳарфи.  
Дилдор, Дилшод, Давронбек  
Душанбага йўл олди.  
Дашнободнинг йўлида  
«Д» ни учратиб қолди.  
Ел мисоли учиб «Е»  
«Е» га ёндош ён босиб,  
Ёзёвонда юрган экан  
Ёрқинбой борса шошиб.  
«Ж» қочибди Жиззахга,  
Жаҳонгир тез чоп энди.  
«З» Заркентдан, «И» ҳарфи,  
Иштихондан топилди.  
Йўлдош «Й» ни йўлдан топди,  
Йўлдаги иш осон-да.  
«К» кетидан кетганча  
Карим етди Косонга.  
«Л» ни Ленинободдан  
Лобар топди азонда.  
Моҳирахон «М» ни йўқлаб  
Марғилонда бўлибди.  
Нодирага «Н» ҳарфи  
Наманганда йўлиқди.  
Оққўрғонни кўзлаганча,  
Ойшахон чопди тездан.  
Пўлатвой ҳаш-паш демай,  
«П» ни топди поезддан.  
Риштонга «Р» ракетада  
Равона бўпти кўрса.  
Самарқандга самолётда  
Сафар қипти «С» бўлса.  
Трамвайда Тошкентни  
«Т» томоша қиларди.  
«У» ҳарфини Урганчдан  
Усмон излай биларди.

Еқа ушлар ҳарфларнинг  
Саргузаштин уққан одам,  
Фаррух билан Фотима  
«Ф» ни топди Фаргонадан.  
Хуршиджонга дуч кепти  
Ҳасан-Ҳусан «Ҳ» ларми.  
Циркда «Ц», Чортоқда «Ч»  
Шўрчида «Ш» бўларми?  
Эргашиб «Э» га қаранг,  
Юмшатиш, айриш белги. ..  
Юсуф «Ю» ни, Яҳё-чи,  
«Я» ни етаклаб келди.  
Ҳар бирин ўз ўрни бор,  
«Алифбе» га улуш қўшган.  
Ўктам, Ўлмас, Ўринбой  
«Ў» ни топишди Ўшдан.  
Қуддус, Қобил кирди қанча,  
Қанора-ю, дўконга.  
Қизиқ, қаранг «Қ» бўлса  
Кетиб қопти Қўқонга.  
Ғани билан Ғафуржон,  
— Топамиз, — деб Ғузордан  
Ғазалкентда Ғайбуллога,  
«Ғ» учради гузардан.  
Эҳ, ҳайрият, ҳайрият  
Қочган ҳарфлар топилди.  
Собиржоннинг ҳар нечук  
Бу айби ҳам ёпилди.  
Ўттиз беш ҳарф қўл олиб  
Дер: — Эканмиз то бирга!  
Агар кўзин очмаса,  
Бош эгмаймиз Собирга.





Дангасалик тушовлаб,  
Бир оз мизгилган экан,  
Яхшиямки тушида  
Ҳарфлар изгиган экан...





## БУРГУТНИНГ ҰЛИМИ

Арслонбоблик Рисмат бобо  
Зўр бургутчи мерган эди.  
Менга ушбу ҳикояни  
Ўзи сўзлаб берган эди:  
— Ўғлим, бу иш содир бўлди  
Юксак Бўзбу тоғида.  
Январь ойи, қор тиззадан,  
Айни чилла чоғида.  
Сира қуруқ қайтмаганман  
Бўзбу билан Ўнғордан.  
Овчи салқи ризқин топар  
Ўнта ғормас, жўн ғордан.  
Чап кифтимда сор бургутим  
Қалқиб-қалқиб боради.  
Лоф эмасдир, сиртлонни ҳам  
Бир ҳамлада олади.

Ўн ой уни обдон тоблаб,  
Зерикмадим, дангал гап,  
Қуённи-ку чап оёқда  
Эзиб қўяр чангаллаб.  
Ҳатто тоғлар соғинармиш  
Мерганларни, овчини.  
Из қидириб топиб борар  
Содиқ итим — Лочиним.  
Қўқийбелим довонидан  
Изни чапга солдириб,  
Таниш манзил Бешбодомда  
Хуржун, отни қолдириб.  
Ёлғизоёқ сўқмоқ билан  
Ошиб ўтдим Осқадан<sup>1</sup>.  
Овнинг шарти: «Эҳтиёт бўл,  
Шарпа қилмай бос қадам».  
Атроф оппоқ. Арчазорлар  
Ҳоли туман, ғубордан.  
Гўёки қиш тоғ бошидан  
Шакар сепиб юборган.  
Каклик, чиллар тўдалашиб  
Пастга учиб ўтарди.  
Бургутимни силаб-сийпаб  
Тумоғасин<sup>2</sup> кўтардим.  
Шу пайт бирдан сайхонликдан  
Тулки кўзга кўринди.  
Қарчиғайим қанот қоқди,  
Қани, тезроқ ол энди.  
Сермаб улкан қанотини  
Сузар осмон тоқида.  
Тулки эса борар беғам  
Қатламтош пештоқида.

---

<sup>1</sup> Осқа — қоя.

<sup>2</sup> Тумоға — бургутнинг бошига кийдириладиган чарм ниқоб.

Итим бўлса бу ҳолатни  
Пайқамади, сезмади  
Бургут ўзин овга чорлаб,  
Пайт пойлади, тезлади.  
Қизиқ, тулки ниманидир  
Маҳкам ушлаб қўнқайиб  
Сор бургутдан узмай кўзин  
Ўтирарди чўнқайиб.  
Бу нимаси, ўзимни ҳеч  
Тиёлмадим кулқидан,  
Ҳар қандайин айёрликни  
Кутиш мумкин тулқидан.  
Тарлон бургут уч айланиб  
Шўнғиб қолди зарб билан,  
Човут солди ўлжасига  
Шиддат билан, ҳарб билан.  
Тулқи ёнлаб, ҳатлаб ўтди,  
Қор тўзғиди янчилиб.  
Бургут ўзин тўхтатолмай  
Қолди ерга санчилиб...  
Бир оёгин бургут узра  
Сал кўтариб муттаҳам  
Пешоб қилди, шу қилиғи  
Малол келди жуда ҳам.  
Ҳийла-найранг голиб чиқди,  
Бундоғи кам бўлгандир.  
«Бопладимми» деган каби  
Борар тулки муғомбир.  
Кий-қиёлаб инграр бургут,  
Итни қўйиб юбордим.  
Жон-жаҳд билан ўпкам тўлиб,  
Ортидан етиб бордим.  
Пастга томон айёр тулки  
Қочса-да қувмас Лочин.  
Ғингшир қушнинг атрофида  
Ўқ дегандай иложим.

Кўрсам, кескир қиличдайин  
Кекса арча танаси —  
Баландлиги нақ тиззадан,  
Яшин урган чамаси.  
Тулки уни ушлаб туриб  
Чўққайгану наф берган,  
Бургут ўқдай отилганда  
Алдаб кетган, чап берган.  
Сўнгги марта бир талпиниб,  
Қанотин қоқди шунқор.  
Чўққиларга армон билан,  
Суқ билан боқди шунқор.  
Ушанда мен, янглишмасам,  
Етмишга чиққан эдим.  
Мерганчилик ов ҳақида  
Кўп нақл уққан эдим.  
Лекин бундай ҳодисани  
Биринчи бор кўришим.  
Ким ўйлабди бургутимнинг  
Бу ҳолатда ўлишин.  
Шу воқеа сабаб бўлиб,  
Ташладим овни, ўғлим.  
Аммо сенга ростин айтсам  
Тоғларга пайванд кўнглим.

1980



## АДОЛАТЛИ ҚОЗИ

Уйғур халқ эртаги

Товуқларнинг арз-додини  
Қози-Арслон тинглади.  
— Тулкини топинглар, — деб  
Саркотибга имлади.  
Ясовулла отланиб,  
Кетишди қир томонга.  
Қози калон буйругин  
Бажармаслик ёмон-да.  
Пайдо бўлди қув Тулки,  
Етмиш етти букилиб.  
Қўлтиғида парёстиқ,  
Таъзим қилар юкиниб:  
— Давлатингиз бир умр,  
Бўлсин, бекам, зиёда.  
Кавар<sup>1</sup> териб юрибмиз.  
Зоғ учмаган қиёда.  
— Қўл солибсан, тўғрими,  
Хўрозларга, товуққа?  
Олий жазо лозимдир  
Сендай турқи совуққа.  
— Тўғри, тақсир булардан  
Кўп ташвишга тушдик-а,  
Қирон келсин бу зотнинг  
Авлод-аждод — пуштига.  
Шодмиз сиздек тақсирнинг  
Ярасак хизматига.  
Бизлар ўчмиз товуқнинг —  
Гўштигамас, патига.  
Ушбу совға, ҳазратим.  
Сизга атаб тикилган  
Белга мадор, фанда ҳам

---

<sup>1</sup> Тулки суйиб сўдиган ўсимлик меваси.

Исботланиб чиқилган.  
Парёстиқни қозининг  
Енбошига суяди.  
Арслон эса Хўрозга  
Қош-қовоғин уяди.  
Тушунтирар Хўрозбой:  
— Тулки ноҳақ мутлақо.  
Қози сўзлар хотиржам,  
Бўлмагандек ҳеч вақо:  
— Ҳал қиламаз бу ишни  
Беш-олти кун ораси.  
Гуноҳига яраша  
Кўрилади чораси.  
Инобатга олинмай  
Она товуқ фарёди,  
Тинчиб кетди шу тахлит,  
Шўрликларнинг арз-доди.  
Тулки ўпка қўлтиқлаб,  
Билган ишин қиларди.  
Жўжаларни пайт пойлаб  
Қақшатарди, шиларди.  
Кун ортидан тун ўтиб,  
Фалак чархи айланди.  
Бу орада Қашқирвой  
Қози қилиб сайланди.  
Бошга тушган қайғудан,  
Кўз ёшларин яширмай,  
Нажот истаб товуқлар  
Кириб келди шошилмай,  
Баён этди бирма-бир:  
— Тингланг, тўрам, арзимиз,  
Шум Тулкининг дастидан  
Саргайди-ку тарзимиз.  
Асло чўзиш мумкинмас  
Бундай ишни шу кезде. . .

Қўлтигида парёстиқ,  
Тулкивой келди тезда.  
— Давлатингиз бир умр,  
Бўлсин бекам, зиёда.  
Кавар териб юрибмиз  
Зоғ учмаган қиёда.  
— Олиб икки ўглингни  
Тунов кун шатакка,  
Ўғирликка тушибсан  
Ярим тунда катакка.  
— Ҳа, рост! Фақат Сиз учун,  
Шу ишга бордим, нетай?  
— Мен учун? Хўш-хуш! Нега?  
— Яхшиси баён этай.  
Шу бадкирдор товуқлар,  
Айтган чоғи ошириб,  
Ёстиқ тикиш касбимиз,  
Ўтирмайман яшириб.  
Кони ғурбат, майда иш,  
Ҳар бир болиш, ҳар ёстиқ.  
Камтарин қулингиздан  
Сизга ушбу парёстиқ.  
Шу гапдан сўнг Тулкини  
На сўкди, сўроқлади.  
Бечора товуқларни,  
Айёр яна доглади.  
Бўри уни қўллагач,  
Элни ҳангу-манг этиб.  
Тухумларни ўғирлар  
Макиённи гангитиб.  
Кун ортидан кун ўтиб,  
Фалак чархи айланди.  
Вақти келиб бир Тайгон,  
Қозиликка сайланди.  
— Таваккал, — деб товуқлар  
Яна арзга келишди.



Бўлган гапни Тайгонга  
Қўймай айтиб беришди.  
Дағазаб бўлиб қози,  
Бошқа ишни қолдирди.  
Қаранг, ҳаш-паш дегунча  
У Тулкини олдирди.  
— Давлатингиз бир умр  
Бўлсин, бекам зиёда.  
Сизга атаб парёстиқ  
Тикдим, кезиб қиёда.  
— Менга қара, шум, шайтон,  
Бақриб берди қози.  
Арқоннинг узунни соз,  
Ахшидир гапнинг ози.  
Този, Бургут, Лочинни,  
Тайгон овга шайлади.  
Парёстиқни Хўрозга  
Сийлов — тортиқ айлади.  
— Бу маккорни ҳозироқ  
Қирга қувлаб чиқинглар.  
Тулки зоти учраса,  
Тутиб сомон тиқинглар.  
Тилёглама, айёрлик,  
Жанжалларнинг асоси.  
Ит қавмининг шу боис,  
Тулкида кўп қасоси.  
Тозиларга бир умр,  
Шудир менинг фармоним.  
Тулки сифат озайса  
Ушалгуси армоним.  
Охири вой, ўртага —  
Ким солса гар адоват.  
Енгиб чиқар ниҳоят  
Ҳақиқату адолат.

1983



## ОЛТИН ЁЛЛИ ТУЛПОР ҚИССАСИ

Арим Акбаралиевга бағишлайман

Олабуқа қишлоғидан  
Ўн чақирим нарида,  
Чотқол тизма тоғларининг  
Этагида — барида  
Булутларга манзил бўлиб  
Тулпор кўли жойлашган.  
Булбул, майна баҳор ва ёз,  
Уни макон айлашган.  
Баландлиги ер сатҳидан  
Минг қулочча юқори.  
Кўрган кўзни қамаштирар  
Салобати, виқори.  
Қизил, сариқ ва тимқора  
Уч хил лола ўсади.  
Чор тарафин арчазор  
Киприк мисол тўсади.  
Ушбу эртак момомлардан  
Мерос бўлиб қолгандир.

Тулпоркўлнинг афсонаси  
Эс-ҳушимни олгандир.  
Эмиш бир чол Чотқол ёқдан  
Овул томон келаркан,  
Айтиб билган қўшигини,  
Байталида еларкан.  
Тулпоркўлга дуч келибди,  
Айни пешин чоғида.  
Уловига дам берибди,  
Ям-яшил қирғоғида.  
Майса узра чакмонини  
Аста ёзиб ташлабди.  
Кун ботарга юзланиб чол  
Намоз ўқий бошлабди.  
Шу пайт кўлнинг ўртасидан  
Олтин ёлли от чиқиб,  
Кўзни очиб-юмгунчайин,  
Соҳил томон бот чиқиб,  
Кўкка сапчиб пишқирди-да.  
Кўзи ёниб, шайланиб  
Бўз байталнинг атрофидан  
Ўтди уч бор айланиб.  
Кишноғига тоғу-тошлар  
Садо берди узмасдан.  
Чўпон эса беғам, бефарқ  
Ибодатин бузмасдан —  
Туриб боқса дулдул айғир  
Шўнғиди кўл қатига.  
Калимасин айтиб бобо  
Қамчи босди отига.  
Кунлар бир-бир ўтаверди,  
Ўн икки бор ой тугди.  
Баҳор чоғи тўриқ байтал  
Олтин ёлли той тугди.  
Бу ҳодиса тез орада  
Овул бўйлаб тарқалди.

Қўшиб-чатди кўрганлар ҳам,  
Газак олди, фарқ олди.  
Чол ҳангу-манг, кампир эса  
Уни қистаб қўймади.  
Яна битта қулун олиш  
Чорасини ўйлади.  
Тўғри келди кампиршонинг  
Тонгда очган фоли ҳам,  
Тараддудга тушиб қолди  
Унинг қайсар чоли ҳам.  
Мол-дунёга ҳирсин қўйган,  
Режасидан қайтарми,  
Эгар уриб йўлга созлар,  
Силаб-сийпаб байтални.  
Тўлпоркўлга жўнаб қолди,  
Ўзга йўлга қайрилмай.  
Олтин ёлли тойчоқ чопар  
Онасидан айрилмай.  
Авжи пешин, атроф сокин  
Кўлда ошуфта ҳолат.  
Ёзди шошиб чакмонни  
Олиб олмай таҳорат.  
Чол шунчаки, номи учун  
Намоз ўқиб ўтирар.  
Олтин ёлли от ташвиши  
Юрагини ўпирар.  
Тоғу-тошлар янграб кетди  
Шу маҳал шовқин-сасдан.  
Айғир тўғри ўтиб бориб  
Байтални айланмасдан,  
Тўнғирчоқлаб ўқтин-ўқтин  
Депсиниб кишнаганча,  
Олтин ёлли қулунни у  
Елкадан тишлаганча,  
Кўл остига кириб кетди  
Икки дулдул бир бўлиб.

Чол овулга қайтди ночор  
Ҳафсаласи пир бўлиб.  
Бу бир чўпчак, чўнг момодан  
Бизларга мерос қолган.  
Тулпоркўлнинг афсонаси,  
Балки рост, балки ёлгон. . .

1982



## МУНДАРИЖА

Тоза ният (сўзбоши муаллифи П. Шермухамедов) . 3

### ШЕЪРЛАР

Дўстлик . . . . .	6
Онажоним . . . . .	8
Асфальтдаги расмлар . . . . .	10
Байрам кунини . . . . .	12
Уш . . . . .	13
Уч паҳлавон . . . . .	14
Оқбура гўлқинлари . . . . .	15
Шанбалик . . . . .	17
Жўнатаман қуёшини . . . . .	18
Кўнглим ўсар тоғдайин . . . . .	19
Толдибулоқ . . . . .	20
Саричелак . . . . .	21
Едгорлик . . . . .	22
Оқ қалпсқ . . . . .	23
Яша, раҳмат . . . . .	24
Яхмалак . . . . .	25
Тунда учган юлдузни . . . . .	26
Чоботи қишлоғида . . . . .	27
Боибон . . . . .	28
Ой петри . . . . .	29
«Эртаклар дунёси» . . . . .	30
Варрак . . . . .	31
Чақмоқ . . . . .	32
Ағдаришмоқ . . . . .	33
Уқириқ . . . . .	34
Баҳор келгач . . . . .	35
Саёҳат . . . . .	36
Момақаймоқ . . . . .	37
Қор . . . . .	38
Уғлимга . . . . .	40
Барча қойил . . . . .	41

Еш дорбозлар . . . . .	42
Ғишт қуямиз . . . . .	43
Шоли «полвон» . . . . .	44
Ердамчилар . . . . .	45
Пойга . . . . .	46
Насибанинг олмаси . . . . .	47
Сумалак . . . . .	47
Омон бўлсин . . . . .	48
Бугдойзорда . . . . .	49
Куз . . . . .	49
Пичан ўрими . . . . .	50
Қўзиқорин . . . . .	50
Начора . . . . .	51
Дўппи . . . . .	51
Бувимларга маза да . . . . .	52
Қоронғида билмасдан . . . . .	52
Жойига илаяпман . . . . .	53
Холамга ёрдам бердик . . . . .	54
Типратикан . . . . .	54
Зарифанинг шеъри . . . . .	55
Боғда . . . . .	55
Баҳона . . . . .	56
Қорни оғриб . . . . .	56
Бурни қонаб . . . . .	57
Аллақачон . . . . .	57
Қариб қолибди . . . . .	58
Ялқов . . . . .	58
Сичқоннинг орзуси . . . . .	59
Қўғирчоғин авайлаб . . . . .	59
Олқиш . . . . .	60
Бойчечак . . . . .	61
Сувчумчуқ . . . . .	62
Ҳайинчалак . . . . .	63
Олмос қалам . . . . .	63
Кичик ансамбль . . . . .	64
Эски тегирмон . . . . .	65

Турналар . . . . .	66
Дур сочилди тоғларга . . . . .	66
Онам ёпган патирдек . . . . .	67
Темирчи билан деҳқон . . . . .	67
Жала ёғди . . . . .	68
Чилла чиқиб . . . . .	69
Урмонда . . . . .	70
«Сеҳрли» ҳасса . . . . .	71
Қалдирғоч . . . . .	72
Оқизоқ . . . . .	73
Дазмол . . . . .	74
Ҳаддидан ошди . . . . .	74
Ғўра . . . . .	75
Танишув . . . . .	76
Инсофи йўқ . . . . .	77
Ваъда берди . . . . .	78
Кечирасиз . . . . .	79
Жирафанинг кўйлаги . . . . .	80
Ўзимизнинг чумоли . . . . .	81
Ҳар тўқисда битта айб . . . . .	82
Баҳс . . . . .	83
Синов . . . . .	84
Ургатяпман . . . . .	85
Боғчада . . . . .	85
Лақма чумчуқлар . . . . .	86
Бўкиб қолган . . . . .	87
Бензиним йўқ . . . . .	87
Хайрлашмай . . . . .	88
Қутулиб кетди яна . . . . .	89
Оқ булут . . . . .	89
Ўлжа . . . . .	90
«Ш» билан «Ч» . . . . .	91
Чумолилар арзи . . . . .	91
Шошмай тур . . . . .	92
Қапада . . . . .	93
Пашша . . . . .	93



Ҳали ёш-да . . . . .	94
Тугаб қолди . . . . .	95
Мақтанчоқ чумоли . . . . .	96
Овда . . . . .	97
Музика дарси . . . . .	97
Ҳакка . . . . .	98
Қирғовул . . . . .	98
Мақтанчоқ . . . . .	99
Чақимчининг жазоси . . . . .	99
Қайноқ экан . . . . .	100
Сув илон . . . . .	100
Сайр . . . . .	101
Балиқчи қуш . . . . .	102
Кетмасайди гаи тараб . . . . .	103
Қўбиз тинглаб . . . . .	104
Лагерда . . . . .	106
Кўклам қувончи . . . . .	107
Саноч сой . . . . .	108
Ошхўрак . . . . .	109
Нега оғримас бошинг . . . . .	109
Ҳасан бобо . . . . .	110
Чақа кўрма чақмоғингни . . . . .	110
Уша куни . . . . .	112
Юлдузча . . . . .	113
Пилла қуртим . . . . .	113
Ишонмасанг . . . . .	114
Хайрли тун . . . . .	115
Сирпанчиқ . . . . .	115
Арқитда . . . . .	116
Қишлоғимни соғиниб . . . . .	117
Камалак . . . . .	117
Доирачи . . . . .	118
Космонавт . . . . .	119
Икки қўчқор сузишар . . . . .	120
Ҳаммамизга . . . . .	120
Билмас экан . . . . .	121

Ой ва юлдуз . . . . .	121
Жирафа нега хафа . . . . .	122
Қийин савол . . . . .	122
Тиш чўтканинг пулига . . . . .	123
Упкани қўлтиқламай . . . . .	123
Совун еркан . . . . .	124
Ётардим-у, сиғмайман . . . . .	124
Турист . . . . .	125
Уйин топмай . . . . .	125
Дароз сартарош . . . . .	126
Қарасамки . . . . .	127
Онам койир . . . . .	128
Инсоф тилаб . . . . .	128
Чилови . . . . .	129
Ердам сўраб . . . . .	130
Кўзин очса . . . . .	131
Ким полвон . . . . .	132
Бобо, қанча ёшдасиз? . . . . .	133
Кураш . . . . .	133
Лойиҳада йўқ уйлар . . . . .	134
Холис хизмат . . . . .	135
Ким айтали? . . . . .	136
Тасқара . . . . .	137
Атай кийдим . . . . .	138
Мирғиёснинг қиёси . . . . .	138
Уч оғайни . . . . .	139
Ғоз карнайчи бўлмайин . . . . .	139
Велосипед . . . . .	140
Латифжоннинг лофлари . . . . .	141
Расм дарсида . . . . .	142
Топқир бўлсанг . . . . .	142
Аямади мўйлабин . . . . .	143
Арслонбоб . . . . .	144
Қизғалдоқлар қутлашар . . . . .	144
Лоф эмас . . . . .	145
Сўна . . . . .	146

Дониёрнинг баҳонаси . . . . .	147
Ут кетди . . . . .	148
Бошинг кўкка етса ҳам . . . . .	149
Чўнтакнинг тешиги . . . . .	150
Куёш ва асалари . . . . .	150
Эскизлар . . . . .	151
Обширсойда . . . . .	153
Сувнинг ранги . . . . .	154
Уялади . . . . .	155
Магнит . . . . .	155
Ваннасини эслади . . . . .	156
Суҳбат . . . . .	157
Беш панжа . . . . .	158
Талъатнинг тулпори . . . . .	159
Тўрт амал . . . . .	160
Кейин билсак . . . . .	162
Кўйлак тикар . . . . .	162
Хайрулла отган тошлар . . . . .	163
Ун товуққа бермадик . . . . .	165
Ҳозирги болалар . . . . .	167
Туш бўлиб қолсин майли . . . . .	168
Золора . . . . .	169
«Сўнгги» жанг . . . . .	170
«Сохта» бузоқча . . . . .	171
Соябон . . . . .	173
Саноқ сон . . . . .	173
Тадбиркор жўжа . . . . .	174
Эски бўлиб қолади . . . . .	174
Шафтоли . . . . .	175
Хоккей . . . . .	176
Пишлоқ . . . . .	177
Найрангбоз . . . . .	178
Эътироз . . . . .	179
Хатосини тузатди . . . . .	181

## ЭРТАК ВА ДОСТОНЛАР

Ҳарфларнинг саргузашти . . . . .	184
Бургутнинг ўлими . . . . .	188
Адолатли қози . . . . .	192
Олтин ёлли тулпор қиссаси . . . . .	196

**Адашбоев Т.**

Арслонбоб афсонаси: Шеърлар, эртак ва дostonлар: [кичик ёшдаги болалар учун]. —Т.: Ёш гвардия, 1988. —208 б.

**Адашбаев Т.** Мечты сбываются: Стихи, сказки, поэмы: Для мл. возраста.

Уз2

Азиз болажонлар!

Мана сиз сеvimли шоирингиз Турсунбой Адашбоевнинг янги тўплами билан танишиб чиқдингиз. Китобга киритилган асарлар Сизни ўйлантириб, қизиқтириб юрган қатор саволларининг бир қисмига жавоб бўлолдими? Шу ҳақдаги фикр ва мулоҳазаларингизни ёзиб юборишингизни сўраймиз.

*Для детей младшего школьного возраста*

На узбекском языке

**ТУРСУНБОЙ АДАШБАЕВ**

**МЕЧТЫ СБЫВАЮТСЯ**

*Стихи, сказки, поэмы*

Тақризчи Сайёр  
Редактор Я. Тоғаев  
Рассом Р. Камолитдинов  
Расмлар редактори Ҳ. Раҳматуллаев  
Техн. редактор В. Демченко  
Корректор С. Сайдолимов

ИБ № 2327

Босмахонага берилди 23.10.87. Босишга рухсат этилди 5.09.88. Формати 70×108<sup>1/32</sup> № 1 босма қоғозга школьная гарнитурада юқори босма усулида босилди Босма листи 6,5. Шартли босма листи 9,10. Шартли кр. отт 9,45. Нашр листи 7,12. Тиражи 1000. Буюртма 4000. Шартнома 89—87 Баҳоси 35 т.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети. „Ёш гвардия“ нашриёти, 700113, Тошкент, Чилонзор, 8-квартал, „Правда“ газетаси кўчаси, 10

Морозов номидаги Самарқанд область босмахо-насида терилди ва босмадан чиқарилди. 703000, Самарқанд шаҳри У. Турсунов кўчаси, 82.